

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта  
максус таълим вазирлиги  
Бухоро давлат университети  
Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ  
таълими кафедраси**

**М.Ф.НОРОВА**

**САЙФИДДИН  
БОХАРЗИЙ**

**“Дурдана” нашриёти  
Бухоро – 2020**

**УЎК 28-9**

**86.38г**

**Н 79**

Норова, М.Ф.

Сайфиддин Бохарзий [Матн] / М.Ф. Норова. - Бухоро : "Sadriddin Salim Buxoriy" Durdonashriyoti, 2020. - 56 б.

**КБК 86.38г**

2020 йилни Бухоро шаҳрини “Ислом маданияти пойтахти” деб эълон қилинишига тухфа сифатида ушбу рисола нашрга тайёрланди. Мазкур рисола кубравия таълимоти асосчиси Нажмиддин Кубронинг шогирди Сайфиддин Бохарзийнинг (1190-1261) ҳаёт йўллари таҳлилига бағишланган. Рисола ислом тарихи ва манбашунослиги, тасаввуф таълимоти тадқиқотчилари ҳамда тасаввуф тарихи масалалари билан қизиқувчи кенг китобхонларга мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир:**

**Г.Н.Наврӯзова** - фалсафа фанлари доктори, профессор

**Тақризчилар:**

**Ф.Д. Музafferov** - Ф.ф.ф.д.(PhD). “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқук таълими” кафедраси мудири.

**Н.Н.Тешаев** - Ф.ф.н. “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқук таълими” кафедраси доценти

Мазкур қўлланма БухДУ ўқув- методик кенгашининг 2020 йил 4 мартағи йиғилишининг 3-сон баённомаси билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-6708-2-2

*Буюк аллома ва адиларимиз, азиз-  
авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва  
арбобларимизнинг жасоратини ёшлилар онгига  
сингдириши, уларда миллий гурур ва ифтихор  
туйгуларини кучайтиришига алоҳида эътибор  
қаратишимиш керак.*

**Шавкат Мирзиёев**

## КИРИШ

Қадим она юртимиз Мовароуннахр азал-азалдан илм-фан тараққиётга эришган, дину диёнат юксак даражада улуғланган мўътабар маскан сифатида эъзоз ва эҳтиромга сазовор бўлиб келган. XI-XII асрларда Мовароуннахрда бошқа илмлар қатори ҳадис ва тасаввуф илми тараққий эта бошлади. Бу илмларнинг мукаммал ўрганилиши, иймон ва адолат учун хизмат қиласидан илмларнинг майдонга чиқишига замин яратди. Шу жиҳатдан Шош, Самарқанд, Бухоро, Хоразм каби илму ирфон масканларида яшаб фаолият кўрсатган буюк бобокалонларимиз номи алоҳида эътирофга муносибдир.

Буюк алломалар ўз илмий изланишлари натижасида юзага келган асарлари билан жаҳон тамаддунига катта ҳисса қўшганлар. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов: “Бу табаррук заминдан не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёsatчи ва саркардалар етишиб чиққани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишидан она юртимизда туғилиб камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари бекиёс экани бизга улкан ғуур ва ифтихор бағишлайди”<sup>1</sup>, деган эдилар.

Ўрта асрларда юртимизда жаҳон илм-фани, хусусан, ислом илмлари ривожига катта ҳисса қўшган кўплаб олиму фузалолар яшаб, ўз даврининг барча илм соҳаларида самарали ижод қилганлар. Китобхонларимиз дикқатига тақдим этилаётган мазкур рисолада ислом илмларининг бир неча соҳалари ривожига бекиёс ҳисса қўшган аллома – Сайфидин Бохарзий ҳаёти ва фаолияти, илмий ва ижодий мероси ҳақида маълумот берилади. Бу эса шайх ҳаёти ҳақида илмий тасаввур ҳосил этади.

Сайфиддин Бохарзийнинг ҳаёти бевосита мўғулларнинг босқини даврига тўғри келади. Бохарзий Нажмиддин Кубронинг энг севимли шогирдларидан бири бўлиб, кубравия тариқатининг ривожига муносиб ҳисса қўшган шайх сифатида маълум ва машхур. Мўғуллар босқини даврида Марказий Осиёга маҳаллий

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавия – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008– Б.30

аҳоли орасида Хожагон, Яссавийлик, Кубравийлик каби йирик тариқатлар ёйилган эди.

Кубравийлик тариқати XIII аср бошида Хоразмда Нажмиддин Кубро томонидан асос солинган. Кубравийлик тасаввуфнинг Ўрта Осиёдаги мактаби бўлиб, маънавий ворислик занжирини Маъруф Кархий (ваф. 816 й.) оркали Абу Бакр ёки Али ибн Абу Толибга етказадилар. Сайфиддин Бохарзий аввалида сўфиylарни бу таълимотнинг рухи ва максади йўлида бирлаштиргди. Улар бир неча кичик-кичик суфий халқалардан иборат гурӯҳлардан ташкил топди. Ўз тараққиётининг дастлабки даврларида кубравия Ўрта Осиё сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этиб, минтақада кучли мавқега эга бўлган. Бинобарин, кубравия тариқати, айниқса, Нажмиддин Кубронинг энг севимли шогирдларидан бири бўлган Сайфиддин Бохарзий Ўрта Осиёни босиб олган мўғулларни XIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб исломлаштириш жараёнида муҳим ўрин тутдилар. Олтин Ўрда ҳукмдори Беркахонни ислом динига айнан Кубронинг шогирди Сайфиддин Бохарзий (ваф. 1260 й.) киритган. Кейинчалик кубравиянинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаёт соҳасидаги тажрибалари минтақадаги бошқа тариқатлар томонидан ўзлаштирилди. Сайфиддин Бохарзий мўғул ҳукмдорларига яқин бўлган ва бир қатор туркий қабилаларни исломлаштиришда муҳим ўрин тутган.

Шайху-л-олам Бохарзий Мовароуннаҳр тасаввуфига ишқ мавзусини олиб кирган суфийлардан ҳисобланади. Унинг даврида Мовароуннаҳрда Калободий (ваф. 990 ёки 995 й.) таърифлаб берган классик тасаввуфдан фарқли бўлган ишқ тасаввуфи шаклланган эди. Сайфиддин Бохарзий Бухоро яқинидаги Соктарий қишлоғида Нажмиддин Кубро номи билан аталган хонақоҳ ташкил этган. Айнан шу хонақоҳда Беркахон мусулмон бўлганини эълон қилган.

Бохарзийнинг шогирдлари Кубро ғояларини Шарқ мамлакатларида ёйдилар. Масалан, Бохарзийнинг муриди Бадриддин Самарқандий Хиндистонда кубравийлик ғояларини тарғиб қилиб, кейинчалик кубравийликнинг тармоғи ҳисобланган фирмавсияга асос солди. Сайфиддин Бохарзий оркали ўтадиган силсила узоқ ва фаол ҳаракат олиб борди. Бохарзий Нажмиддин Кубронинг латоиф ҳақидаги қарашларини ривожлантиргди.

Кубравийликнинг Кашмирдаги тармоқлари ҳамон суннийликни маҳкам тутадилар. Ўрта Осиёда кубравийлик суннийликда эканини исботлашга қаратилган мустақил рисолалар асрлар давомида чоп этиб турилгани ҳам минтақада сунний кубравийлар кам бўлмаганини кўрсатади. Сайфиддин Бохарзий ҳам сунний кубравийлардан бўлган. Аввалида тариқатда жаҳрий зикр амалда бўлиб, самоъ мажлислари ҳам ўтказилар эди. Вакт ўтиши билан кубравийликнинг айрим шоҳобчалари жаҳрий зикрдан воз кечдилар. Бухоро яқинидаги Соктарийдаги кубравий хонақоҳида XVIII аср охирига қадар иккала тур зикр амалда бўлди.

Кубравийлик таълимотига кўра, ҳар бир кишимаънан юксакликка эришиш учун 10 мақом – руҳий камолот босқичларидан щтиши лозим.

**1. тавба** - Ўз хоҳиши билан ҳақ таолога қайтиш; кишининг ўз ихтиёри билан Худони севиши, ўзининг «мен»идан кечиши;

**2. зуҳд фи-д-дунё** - барча дунёвий нарсалардан кўнгил узиш;

**3.таваккул** - барча ишларни қилишда Худонинг меҳрибонлиги ва қудратига умид боғлаш;

**4. қаноат** - ҳаёт кечиришда оз нарса билан қаноатланиш, мўътадиллик, тубан майллардан озод бўлиш;

**5. узлат** - танҳоликда бўлиш, руҳни мустаҳкамлаш, ҳистайғуларни жиловлаш. Узлатга кетиш ҳиссиётларнинг босилишига олиб келади;

**6. мулозамату-з-зикр** (узлуксиз зикр) – Худонинг исмини ёд қилиб туриш, бутун қалбни У билан тўлдириш. Шундагина пасткашлик, ҳасад, очкўзлик, иккиюзламачилик каби разилликлар киши кўнглига йўл топа олмайди;

**7. таважжух** - бутун вужуд билан Худога мурожаат қилиш, Унга чексиз муҳаббат кўйиш, ундан бошқа нарса борлигини ҳис этмаслик;

**8. сабр** - ўз ихтиёри билан машаққатлар чекиб бўлса ҳам, нафс доирасидан ўзини олиб қочиш. Тўғри йўлдан адашмасдан бориш учун киши ўз майлларини бўйсундириши лозим. Шундагина дил қудуратлардан покланади, руҳ нафс натижасида занглаб қолган бўлса, жило топади;

**9.муроқаба** (тафаккурга ғарқ бўлиш) – қалб поклангани ва тубан эҳтирослардан холилигини туйиб, хотиржам бўлинганини

эслаб хаёлга чўмиш, Ҳақ таоло раҳм-шафқатини кутиб туриш ҳолати;

**10. ризо** – сўфий энди Худо уни севиб колганлигини, Аллоҳ ундан рози, у ҳам Аллоҳдан рози эканини сезади, унинг учун ана шу нарса муҳимдир. Худога бўлган муҳаббат сўфийнинг шахсий ҳис-туйғу сифатини йўқотиб, янги кўринишида – Аллоҳнинг истак-хоҳиши тарзида намоён бўлади. Ризолик мақоми Ҳаққа етишганликни билдиради.

Кубравийликнинг Ўрта Осиёдаги кейинги фаолияти ҳақида маълумотлар кам. Ҳатто бу тариқатнинг Ўрта Осиёдан бошқа тариқатлар томонидан сиқиб чиқарилиб, йўқ бўлиб кетгани ҳақида тадқиқотлар учрайди. Мавжуд вақфномалар кубравийлар XVI асрдаги каби XVIII асрда ҳам фаол бўлганини тасдиқлайди. Аммо тарих фанлари доктори Эргаш Каримов янги топилган манбалар асосида эълон қилган сўнгги тадқиқотларга кўра, XX асрга қадар Ўрта Осиёнинг айрим ҳудудларида (асосан Хоразм) кубравийликнинг «хусайния» тармоғи фаолият олиб борган. XX аср бошларида Тошкентнинг Чорсу бозори яқинидаги «Ҳазрат Уккоша» масжида кубравия жамоалари фаолият юритгани ҳақида маълумотлар бор.

## **САЙФИДДИН БОХАРЗИЙНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛИ**

Шарқшунос олимларимиз таъкидлашганидек, “Ислом дин сифатида Арабистон ярим оролида пайдо бўлган бўлса-да, ўзининг такомил босқичидаги юксак даражага Бухоройи шарифда етди”. Юртимизни ана шу олий мартабаларга эриштиришда биз қуйида номларини зикр этишни мақсад қилган фозил ватандошларимизнинг хизматлари беқиёсdir. Мусулмон Шарқида Шайх ул-олам – Оламнинг шайхи номи билан донг таратган кубравия тариқати намояндаси, улуғ авлиё, нуктадон олим, ҳассос шоир ва етук воиз Сайфиддин Бохарзий ҳижрий 586 йил шаъбон ойининг 9-куни – милодий 1190 йил 8 сентябрда Хуросоннинг Бохарз деган жойида туғилган. Сайф ул-Ҳақ ваддин Абулмаоний Сайид ибн ул-Мутахҳар ибн Сайид ал-Бохарзий, шунингдек, шайх ул-ислом ва ал-муслимин, ворис ул-анбиё ва мурсалин, сultonи машойихи ал-Шарқ ва ал-Чин нисбалари билан машҳур. Нажмиддин Кубро қўлидан шайхлик хирқасини кийиб, унинг халифаси сифатида кейинчалик кубравия тариқатини ривожлантирган. Ҳижрий 659 йил зулқаъда ойининг 24-кунида – милодий 1261 йил 20 октябрида Бухорода вафот этган ва Фатҳобод мавзесида дафн қилинган. Бухоро шаҳрида жойлашган бу маскан ҳозирги кунда обод зиёратгоҳга айлантирилган. Ҳалқимиз томонидан зиёратгоҳ сифатида қадрланиб келинади.

Алломаларимизнинг ёзма манбаларида Сайфиддин Бохарзий тўғрисида бизга қимматли маълумотлар етиб келган. Масалан, Жомийнинг “Нафоҳатул унс”, Навоийнинг “Насойимул муҳаббат”, Яҳъё ибн Аҳмад Бохарзийнинг “Аврод ал-аҳбоб ва фусус ал-адаб”, Носириддин Тўранинг “Тухфат аз-зоирин” ва бошқа манбаларда маълумотлар берилган.

Манбаларда таъкидланишича, Ҳазрат Шайх Сайфиддиннинг наслаблари Ҳазрат Абу Бакр Сиддиққа бориб тақалади: Ҳазрат Шайх Сайфиддин Бохарзий ибн Муҳаммадхожа ибн Шариф Атохожа ибн Муҳийиддинхожа ибн Муваффақхожа ибн Аҳмадхожа ибн Саъидхожа ибн Муҳаммадхожа ибн Ишоқхожа ибн Абдулисломхожа ибн Муслимхожа ибн Нофеъхожа ибн Саъдхожа ибн Тафил (Туфайл)хожа ибн Утбахожа ибн

Талҳаҳожа ибн Қосимхожа ибн Мұхаммадхожа ибн Ҳазрат Абу Бақр Сиддик разия Аллоҳу анҳудирлар.<sup>1</sup> “Насойимул муҳаббат” да таъкидланишича, Шайх Сайфиддин Бохарзий Шайх Нажмиддин Кубронинг хулафосидиндор (яъни шогирдлари дир). Зоҳирий улум таҳсили ва такмилидин сўнгра Ҳазрати Шайх мулозаматига мушарраф бўлди ва тарбият топди<sup>2</sup>. Кўриниб турибдики, Шайх Сайфиддин зоҳирий илмларни (яъни фиқҳ, ҳадис, тафсир ва бошқа илмлар) ўргангандан сўнг Шайх Нажмиддин Кубро ҳузурларига келиб, мурид бўлган. Сайфиддин Бохарзий зоҳирий илмларни Ҳирот ва Нишопурда олганликлари манбаларда ёзилгандир. Демак, Шайх Сайфиддин ботиний илмни Ҳазрат Нажмиддин Кубродан ўргандилар.

Маълумотларга қараганда, Сайфиддин Бохарзийҳам зоҳир ҳам ботин илми олимни эдилар. У киши Бағдодга келганларида 11 ёшда бўлганлар. Ибн Жавзийдан дарс эшитганлар. Муаййид Тусий ва бошқалардан ҳадис эшитганлар. Бағдодда Али ибн Мұхаммад Мавсиий, Абул Футух Ҳусрий, Исмоил ибн Саъдуллоҳ ибн Ҳамдий, Мушриф Холисийдан, Найсобурда Иброҳим ибн Солор Ҳоразмийдан ҳадис эшитганлар. Имом, муҳаддис, тақвадор, зоҳид, суннатга-ҳазрати Пайғамбарнинг изларига эргашганлардан. Номлари тўрт иқлимга машҳур. Қалблардан ўрин олган беназир олим. Шайх Нажмиддин Ҳивакий, яъни Нажмиддин Куброни устоз деб билганлар. Имом, пешво, Ҳурросон шайхи Сайфиддин Абул Маъолий Саъид ибн Мутаҳҳар ибн Саъид ибн Али Қоидий Бохарзий Бухорода истиқомат қилганлар.

Ибн Фуватий “Муъжамул алқоб” китобларида у киши ҳақларида шундай зикр қилганлар; “Бохарзий муҳаддис, ҳофиз, зоҳид, воиз, ҳайбатли шайх, ориф, тақвадор, фасоҳат соҳиби бўлиб, сўзлари дуру маржон каби эди. У киши тасаввуф хирқасини Абу Жанноб Ҳивақийдан олиб кийдилар. Ҳивақий бу хирқани шайхлари Исмоил Қасрийдан олиб кийган эдилар. У киши Мұхаммад ибн Нокилдан, у киши Довуд ибн Мұхаммаддан, у киши Абул Аббос ибн Идрисдан, у киши Абул Қосим ибн Рамазондан, у киши Абу Яъкуб Табарийдан, у киши Абу

<sup>1</sup> Имом Шамсиддин Заҳабий. Сияру аъламин нубало. (Машҳур даҳолар сийрати). Тошкент: “Шарқ”, 2015.Б.154.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. 17-том. Тошкент: “Фан”, 2001. Б.295.

Абдуллоҳ ибн Усмондан, у киши Абу Яъкуб Наҳржурыйдан, у киши Абу Яъкуб Сувайсийдан, у киши Абдулвоҳид ибн Зайддан, у киши Ҳасандан у киши Ҳумайл ибн Зиёддан, у киши эса Али розияллоҳу анҳудан олиб кийганлар”. “Бундай санадлар- асл манбаи аниқланмаган, мавҳум, санадлардир. Ибн Фуватий айтадилар: «Бохарзийнинг таржимаи ҳолларини шайхимиз Минҳожиддин Насафийнинг китобларидан ўқидим”. У киши Бохарзий ҳақларида: “Феъллари билан одамларни одобга чақирувчи, ҳар бир нарсани ҳадисга мувофиқ бажарувчи, такаллуфдан холи, илмлари ва фазилатлари тўлиб-тошган денгиздек, ҳақиқат илмида замондошлар ва авлодлар фахр қиласиган даражада эдилар. У киши улуғвор ва ҳайбатли бўлиб, номлари мусулмону кофир орасида танилганди. Мовароуннаҳр ва Туркистонда ҳадис илмини ёйдилар ва уни ривожлантирилар. Ўша пайтдаги баъзи олимлар илмий тортишувлар ва ихтилофий масалаларда машҳур бўлсалар-да, аммо уларнинг айримлари амалда ундан йироқ эдилар. Бу киши эса ўша юртларда ҳадислар нурини таратдилар. У киши Нажмиддин Кубро, Баҳовуддин Саломихий, Тожиддин Махмуд Ашнахий, Саъдиддин Сарром Харавий, Мухтор Хиравийларни устоз тутганлар ва улардан дарс олганлар. Ёшликларида ҳаж килдилар. Сўнгра Бағдодга келдилар. Суҳравардийдан сабоқ олдилар. Хуросонда Муаййид Тусий, Фазлуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Нуконийдан илм ўргандилар. Шайхулислом Бурхониддин Марғинонийнинг “Ал-Ҳидоя” китоблари юзасидан у кишининг ўғиллари Жалолиддиндан дарс тингладилар. Сўнгра Хоразмга бордилар. Бухорода Маҳбубий, Кардарий, Абу Рушайд Асбахонийлардан таълим олдилар. Мўғуллар Бухоро ва бошқа шаҳарларни хароб қилганда, Нажмиддин Кубро ўз халифаларининг бу ерлардан Хуросон томонларга кетишларини буюрдилар. У кишининг муридлари орасида Саъдиддин ҳам бор эдилар. Нажмиддин Кубро бу кишини Бохарзий билан биродарлаштирилар. Бохарзий Нажмиддин Кубронинг севимли шогирди бўлиб, у киши вафотларидан сўнг тариқатни ниҳоятда ривожлантирилар. Манбалардан маълумки, Нажмиддин Кубро Бохарзийга иккинчи қирқ кунлик чилла ўтиришни буюриб, кейин ўзи шогирдини хилватдан чиқариб олади. Сўнгра Бохарзийга: “Бухоро томон боринг”, - деб айтди. Ўша кунларда Хоразмшоҳ қочган эди.

Сайфиддин Бохарзий Бухорога келдилар. Бухоро батамом ёниб бўлган, истиқомат қиласиган жой қолмаган эди. Бохарзий одамларни йиғиб, уларга “Саҳихи Бухорий”ни ўқиб бердилар. Бу киши уни 622 йилда Жамолиддин Убайдуллоҳ ибн Иброҳим Маҳбубийдан эшитган эканлар. Сўнгра Бухорода яшадилар. Бу ерда панд-насиҳат, ваъз ва таълим билан машғул бўлдилар. Бухорода Сайфиддин Бохарзий Шайхул олам — Оламнинг шайхи номи билан машҳур бўлган улуғ авлиё, етук шоир, забардаст олим ва хассос воиз деган номга сазовор бўлади.

Баъзилар у кишига ҳасад қилиб, эътиқодларига шубҳа билан қарадилар. Бохарзий тасбех намозини жамоат билан ўқирдилар. Ахли тасаввуфнинг самоъ халқаларида ҳозир бўлардилар. Ҳалқни ижтимоий ҳимоя қилиш учун ҳаракат қилган. Маҳмуд Ялавоч Бухорога “қилон”<sup>1</sup> тўловини йиғиш учун келганда, Сайфиддин Бохарзийнинг хузурига кирдилар. Бохарзийнинг юзлари тўлин ой каби ёришиб турган эди. Шайх ниҳоятда чиройли бўлганликларидан Нажмиддин Кубро у кишига юзларини ёпиб юришни тавсия қилган эдилар. Бохарзийга Ялавочнинг меҳрлари тушиб, минг дирҳам ҳадя қилдилар. Бохарзий бунга назар ҳам солмаганлар.

Бухордан (Маҳмуд) Торобий чиқиб, одамларни тўпладилар ва мўғулларга қарши исён кўтардилар. У киши одамларга: “Мен жангда жинларни чақираман. Улар бизга ёрдам беришади”, - деб айтдилар. Маҳмуд Торобийнинг одамларида етарлича қуроласлаҳа йўқ эди. Мўғуллар бир хужумнинг ўзида 7000 кишини, шу жумладан, Торобийни ҳам ўлдирдилар. Торобийга яқин кишилар у кишини учиб кетди, деб ўйлашди. Мўғуллар қолган исёнчиларнинг ҳам кўпини ўлдирдилар. Фақат Бохарзийнинг паноҳига кирганларгина омон қолишли. Аммо омон қолган бўлсалар ҳам, мўғуллар уларнинг пешоналарига қизиган темир билан тамға босишган эди.

Мўғуллар Бохарзий билан ҳисоблашишган. Ҳеч ким у кишига қарши чиқишига журъат этолмас эди. Қооннинг акаси Бойқу ниҳоятда золим, қонхўр ва ёлғончи эди. У Термиз аҳлини қирғин қилди. Ҳатто у ердаги бошқа жонзотларни ҳам қириб

---

<sup>1</sup> Қилон - ҳар бир одам бошига солинадиган бир дирҳамлик хирож, тоҷирларга(савдогар) эса ушр қўйиш.

ташлади. “Бохарзий халифа, подшоҳ бўлишни истайди”, деган сўзлар билан Бойқуни Бохарзийга қайрашди. Бойқу Бохарзийни занжирбанд қилиб, Самарқандга олиб келишни буюрди. Бохарзий бораётиб: “Мен бу хорликдан кейин бир иззат келишини кўрмоқдаман”, - дедилар. Бохарзий Самарқандга яқинлашганларида, Бойқу ўлди. Шайхни қўйиб юбордилар ва бу кишининг қўлларида кўплар мусулмон бўла бошлади. Қайтиб келаётганларида, Хартангда Имом Бухорийнинг қабрларини зиёрат қилдилар. Унинг қуббасини янгиладилар, пардалар осдилар, қандилларини алмаштирилар. Самарқандликлар бу кишига шу ерда қолишни таклиф этдилар. Бир неча кун Самарқандга турдилар, кейин Бухорога қайтдилар. У кишининг қўлларида ўша пайтнинг амири Исломни қабул қилиб, шайхнинг дарвозабонлари бўлди. Шайх уни “Мўмин” деб номладилар. Мўғуллар ва уларнинг қўмондони Ҳолақо ҳам Бохарзийни “Улуғ шайх” номи билан танир эди. У Бохарзийга Барака ибн Туший ибн Чингизхонни мусулмонликни ўрганиш учун Саксиндан элчи қилиб жўнатди. Бараканинг акаси Боту золим, кофир эди. Саксин, Булғор, Сақлоб ва Қипчоқдан Дарбандгача бўлган худудни ҳам эгаллаган эди. Бараканинг Барака Ҳар исмли бир укаси ҳам бор эди. Боту кофир бўла туриб ҳам, шайхни яхши қўрар эди. Боту иниси Баракахоннинг Исломни қабул қилиб, шайхга мурид тушганини билгач, хурсанд бўлди. Ўзи ҳам шайхни зиёрат этишга рухсат сўради. Булғордан Жандга, сўнгра Ўтрорга, кейин Бухорога совуқ, қорли бир кечада етиб келди. Эрталабгача шайхнинг ҳузурларига киришга изн сўрамади. Менинг ишончли бир кишидан эшитишимча, Баракахон ўша кеча ухламасдан, шайхнинг эшикларида ўтириб, намоз ўқиб чиқкан, сўнгра шайхнинг ҳузурларига кириб, оёқларидан ўпа бошлаган, қуллук қилиб, у кишига салом берган экан. Шу тариқа унинг амирларидан бир қанчаси шайхнинг қўлларида мусулмон бўлганлар.

Халқ орасида нуфузи баландлиги мўғул хонларини ҳам Сайфиддин Бохарзий билан ҳисоблашишга мажбур этган. Мункехон, Хулагуҳон ва Хубилайхонларнинг онаси Суюркуктени бека Бухорода Мадраса ва хонақоҳ қурдириб, шайхни унга мутаваллий қилиб тайинлаган, кўплаб қишлоқларни унга вақф қилган. Чингизхоннинг невараси — Олтин Ўрда хони

Беркахон Бухорога келиб, унга шогирд тушган, ислом динини қабул қилиб, Баракахон номини олган. Шу муносабат билан Бохарзийга "Шайх ул-олам" — "Оlam шайхи" унвони берилган.

Шайх раҳматуллоҳи алайҳ 659-йил зулкаъда ойининг 20 кунида вафот этганлар. Эшита билган ҳеч ким у кишининг жанозаларидан қолмади. Тўрт юз минг атрофида одам қатнашди. Тўрт юзта қул тобутларини ўраб олиб, кўтарди. У киши шайхлари Нажмиддин Кубронинг хирқаларига кафандлашларини, тобутларининг олдида ҳеч ким юрмаслигини ва овоз чиқариб йифламасликларини васият қилган эдилар. Мерослари: 330 та кийимлик, шунингдек, рўмол, салла ва мўйналари Жалолиддин Муҳаммад, Бурхониддин Аҳмад, Музаффариддин Мутаххарга қолди. Ковушларининг михлари кумушдан эди. У кишининг оёқлари остига қўйиладиган курсига беш юз динорга тенг тилла суви юритилган эди. От ва чорвалари ўн минг динорга баҳоланганди ҳадис эшитганлардан эди. Ибн Фуватий уларнинг исмларини зикр килганлар. Муридлари Нофеъиддин қирқдан зиёд Куръон кўчирган. Шайх билан бирга ҳажга борган. Девонда ишлаган. Шайхнинг уч юздан зиёд дехқонлари, шунингдек, у кишига қарашли қишлоқлар, боғ-роғлар бор эди. Ибн Фуватий буларни ўз асари “Мульжамул алқоб” китобларида айтиб ўтганлар. Камолиддин Ҳасан ибн Музаффар Шайбоний Баладий Сайфиддин Бохарзийнинг вафотлари муносабати билан марсия ёзганлар:

*Пайғамбар расули акрамдан кейин,  
Ер юзини босган афзал шайх дейин.  
Халқни безади у гўзал ҳусн ила,  
Олийдир, кимки безалган у билан.  
Етмииш ийл яшади тоҳир, покдомон,  
Беҳудага сарфламади бирон он.  
Замондош бўлганнинг чопганди баҳти,  
Дилхунга шифо эди лафzin тафти.  
Даволай оларди чақса ҳам чаён,  
Сўзин кучи тошини эритди - аён.  
Амри маъруфдаги сўзи гармидан,  
Исирди совуқда қотган ҳар бадан.*

*Ўлим ҳақ: келади ҳар жонли зотга,  
Тишлари ўтади оҳуга, отга.  
Ташлаб кетмади Музар ҳам Аднонни,  
Ком Сабо қавмини ҳамда Қаҳтонни.  
Эшитмасайдим қулогим бўлиб кар,  
Устоз вафоти ҳақида шум хабар.*

## **АЛИШЕР НАВОИЙ САЙФИДДИН БОХАРЗИЙ ҲАҚИДА**

Шайх ҳақларида кўплаб алломалар ўзларининг асарларида ёзиб қолдирганлар. Шайхул Олам ҳақларида Жомийнинг “Нафоҳатул унс”, Яҳъё ибн Аҳмад Бохарзийнинг “Аврод ал аҳбоб ва фусус ал адаб”, Ҳамидулла Қазванийнинг “Нусҳатал қулуб”, Носириддин Тўранинг “Тухфат аз зоири” ва бошқа манбаларда маълумотлар берилган.

Устоз Садриддин Салим Бухорийнинг “Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари” асарида келтирилишича Носириддин Тўра ўзининг “Тухфат аз зоири” асарида: “Ҳазрат Шайхул Олам олими боамал, муҳаддис Шайх Сайф ҳақ вад дин Абу ал Маоний Саъид бин ал Мутаҳҳар бин Саъид бин ал Бохарзий”<sup>1</sup> деб ёзилган.

Манбаларда таъкидланишича, Ҳазрат Шайх Сайфиддиннинг аждодлари, яъни ота-боболари Ҳазрат Абу Бакр Сиддиққа бориб тақалади: Ҳазрат Шайх Сайфиддин Бохарзий ибн Муҳаммадхожа ибн Шариф Атохожа ибн Муҳийиддинхожа ибн Муваффақхожа ибн Аҳмадхожа ибн Саъидхожа ибн Муҳаммадхожа ибн Исҳоқхожа ибн Абдулисломхожа ибн Муслимхожа ибн Нофеъхожа ибн Саъдхожа ибн Тафил (Туфайл) хожа ибн Утбахожа ибн Талҳахожа ибн Қосимхожа ибн Муҳаммадхожа ибн Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу<sup>2</sup>.

Сўз мулкининг сultonи Алишер Навоийнинг “Насойимул муҳабbat” асарларида Шайхул олам ҳақларида маълумотлар берганлар. “Насойимул муҳабbat”да таъкидланишича, Шайх

<sup>1</sup> Садриддин Салим Бухорий. Бухоронинг табаррук зиёратоҳлари. Бухоро: “Дурдана”, 2012. Б.146.

<sup>2</sup> Имом Абу Абдуллоҳ Шамсиддин Муҳаммад ибн Усмон Заҳабий. Машҳур даҳолар сийрати (Сияру аълами нубало) Т.: “Хилол”, 2015.Б.153.

Сайфиддин Бохарзий Шайх Нажмиддин Кубронинг хулафосидиндур (яъни шогирдлари). Зоҳирий улум таҳсили ва такмилидин сўнгра Ҳазрати Шайх мулозаматига мушарраф бўлди ва тарбият топди.<sup>1</sup> Бундан маълум бўладики, Шайх Сайфиддин Бохарзий зоҳирий илмларни (яъни фикҳ, ҳадис, тафсир ва бошқа илмлар) ўргангандан сўнг Шайх Нажмиддин Кубро ҳузурларига келиб, мурид бўлганлар. Сайфиддин Бохарзий зоҳирий илмларни Ҳирот ва Нишопурда ўргангандари ҳақида манбаларда ёзилгандир. Демак, Шайх Сайфиддин ботиний илмни Ҳазрат Нажмиддин Кубродан ўргандилар. Шайх Сайфиддин Бохарзий хирқани Шайх Нажмиддин Кубродан кийганлар.

Ҳазрат Абдураҳмон Жомийнинг “Нафоҳатул унс” китобларида бир ибратли воқеа баён қилинган. Бу воқеани Навоий ҳам кейин “Насойимул муҳаббат”га киритганлар: Нақл этилишича, бир кун Хитойдан Ҳазрат Нажмиддинга бир канизак келтирадилар. Ул зот канизакни никоҳларига олиб, буюрадиларки, барча муридлар бу кеча риёзат-меҳнатни тарк қилиб, фароғатда бўлсинлар.

Бул фармондан сўнг ҳамма муридлар фароғат билан машғул бўлди. Сайфиддин Бохарзий эса офтобага сув олиб, бағирларига босиб, юрак тафти билан уни иситиб кечаси билан Шайхнинг ҳужралари остонасида турдилар. Токи Шайх эрталабки таҳоратда азият чекмасинлар. Саҳар Шайх бу ҳолни кўриб: “Нега фармонимни бажармадинг? Биз буюрувдикки, ҳамма фароғат ила банд бўлсин. Сен яна риёзат ила машғул бўлиб сен?!” дедилар. Шайх Сайфиддин: “Мен учун Ҳазрат Шайх остоналарида бўлмоқдан ортиқ фароғат, лаззат йўқ”-дедилар. Бу жавобни эшитиб Ҳазрат Нажмиддин Кубро: “Башорат бўлсин сенгаки, подшоҳлар сенинг отинг риқобида бўлғай!”-деб башорат бердилар.

Дарҳақиқат, Алишер Навоийнинг “Насойимул муҳаббат” асарида келтирилишича, кунлардан бир кун Бухоро амири Ҳазрат

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Насойиму-л-муҳаббат. Муқаммал асарлар тўплами. 17-жилд. Т.: “Фан”, 2001. Б. 295, Шайх Нажмиддин Кубро, Жамолинг менга бас, Т.: Ф.Ғулом нашриёти, 1994. - 64 б.

Сайфиддин Бохарзийга бир от инъом қила туриб дейдики: “Ҳазрат отга минсалар, мен жиловдор бўлсам!” Шайхул Олам отга минган заҳот ювош от ҳуркиб югуради. Подшоҳ ҳам жиловни қўйиб юбормай от билан бирга югуради. От ўн-ўн беш қадамдан сўнг яна ювош тортиб тўхтайди. Бу ҳолдан амир хижолат чекади. Шайх: “Бу отнинг юрганида ҳикмат шу эрдики, шайх Нажмиддиннинг дуолари ижобат бўлди”<sup>1</sup>-деб воқеани айтиб бердилар.

## САЙФИДДИН БОХАРЗИЙНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

Тарихий манбаларда ёзилишича, Ҳазрат Шайхул Олам хонақоҳларида зикр мажлиси ёхуд сұхбат бошлишдан олдин Қуръон тиловат эттирадилар. Тиловатдан сўнг ўқилган оятларга мувофиқ бадеҳатан рубоий ё битта қитъа форс-тожик тилида ўқирдилар. Бу рубоийларнинг аксарияти Бохарзий ижодига хос бўлган. Мажлис аҳли бундан важд, завқ ҳолига кирадилар. Бутун кеча давомида сұхбат ўқилган оят маънолари ҳақида бўларди. Ҳазратнинг рубоий, қитъа, фардлари ояту ҳадис таъсирида бадеҳатан ижод қилинган асарлардир<sup>2</sup>. Бу асарларнинг бадиий қиммати ғоят баланд. Албатта бу ҳол Ҳазрат Шайхул Оламнинг улкан иқтидор эгаси эканликларига далил. Ҳазрат ширинтакаллум воиз ҳам эди.

Шайх Сайфиддинга “Шайхул Олам” унвони нега берилганди? Тарихий манбаларда таъкидланишича, Чингизхонинг невараси, Олтин Ўрда хони Беркахон (1209-1266) Сайфиддин Бохарзийга мурид тушади. У мўғул ҳукмдорлари орасида биринчилардан бўлиб ислом динини қабул қиласи ва “Баракахон” номини олади. Натижада Шимолий Кавказдан то Сибиргача бўлган ҳудудларда ислом дини давлат дини сифатида амал қилган. Бу ҳудудларда масжид ва мадрасалар бунёд қилган. Барча раъият, аркони давлат ҳам мусулмон бўлганлар. Шу боис халифа Ҳазрат Сайфиддин Бохарзийга “Шайхул Олам”

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Насойиму-л-муҳаббат. Муқаммал асарлар тўплами. 17-жилд. Т.: “Фан”, 2001. Б.151.

<sup>2</sup> Садриддин Салим Бухорий. Бухоронинг табаррук зиёратоҳлари. Бухоро: “Дурдона”, 2012. Б.151.

унвонини берган. Шайхул оламнинг хизматлари туфайли Бухоро шаҳрининг мавқеи янада кўтарилиди. Наршахийнинг маълумотига кўра IX аср бошларида машҳур фикҳшунос олим Абу Ҳафс Кабир Бухорий (767-832) шарофатлари билан “Қуббат ул - ислом” яъни “Ислом динининг гумбази” мақомини олган. Бундай тўрт аср ўтиб Сайфиддин Боҳарзий шарофатлари билан Бухоро шаҳрига эса “шариф” мақоми берилган.

Куръони Каримда Аллоҳ таоло дейди: “Ҳақиқат (ислом) келди ва ботил (куфр) ўчиб йўқолди. Чунки ботил йўқолгувчи нарсадир” (Ал Исро, 81-оят). Дарҳақиқат, тўғри! Тарихда доимо ғолиб тараф мағлубларга ўз дини, ўз урф-одати, тилини қабул эттиришга мажбур қилган. Лекин бу тарихий жараёнда ғолиб (Беркахон ва бошқа чингизий подшоҳлар) мағлублар динини қабул этган. Чунки улар зўравонлик билан жисман ғолиб бўлган бўлсалар-да, ислом маънавияти асо ғолиб эди.

Шамсиддин Заҳабийнинг “Машҳур даҳолар сийрати” асарида маълумот берилишича, Шайх Сайфиддин хулқу одобда, илму донишда намуна бўлган. Ул зотнинг беҳисоб кўп вақф ерлари бўлган. Бечора, етим, мусофиirlарга бепул озиқ-овқат, кийим-бош доимий равишда бериб турган.

Ҳазрат Шайхул Олам Боҳарзийнинг бир неча асарлари бизгача етиб келган. Булар қуйидагилар:

**“Воқеоти хилват”** ("Хилват воқеалари"), **“Китоби аврод”** ("Аврод китоби") **“Номаи Шайх ул Олам Сайфиддин Боҳарзий ба шайх Саъдиддин Ҳамавий”** ("Шайхул Олам Сайфиддин Боҳарзийнинг шайх Саъдиддин Ҳамавийга номаси"), **“Рубоиёти Шайхул Олам Сайфиддин Боҳарзий”** ("Шайхул Олам Сайфиддин Боҳарзий рубоийлари"), **“Китоби рисолаи ишқ”** ("Ишқ рисоласи китоби"), **“Рисолаи васиёйи Боҳарзий”** ("Боҳарзий васиятлари рисоласи), **“Китоби шарҳи асмо ал ҳусна”** ("Аллоҳнинг гўзал исмларининг шарҳи китоби"), **“Китоби фатво ва воқеоти ирфонийи Боҳарзий”** ("Боҳарзийнинг фатво ва ирфоний воқеалар китоби").

Мустақиллик шарофати билан бой маданий меросимиз, муқаддас қадамжоларимиз қайта тикланмоқда ва маданий меросимиз ўрганилмоқда. Ноёб манбаларимиз қайта таржима қилинмоқда. Шунинг учун ҳам ҳозирги кеча - кундузда буюк алломаларимиз сингари Сайфиддин Боҳарзийнинг асарларини

таржима қилиб кенг оммага тақдим этиш давр талабидир. Бу халқимизнинг онги ва тафаккурини шакллантиришда муҳим асос бўлиб хизмат қиласи.

## **САЙФИДДИН БОҲАРЗИЙНИНГ ҚАРАШЛАРИДА ТАСАВВУФ ВА КОМИЛ ИНСОН ТУШУНЧАСИ**

Асрлар давомида инсоният томонидан ҳар томонлама комил инсонни шакллантириш масаласи долзарб аҳамият касб этиб келган. Комил инсон тарбияси барча даврларда муҳим ижтимоий вазифа ҳисобланиб, яхши тарбия кўрган инсонга жамият бойлиги сифатида қаралган. Инсон зийнати унинг маънавияти ва эгаллаган билимлари билан ўлчанганд. Ислом дини таълимотида билимли инсонлар етук деб саналса, мутафаккирларимиз қарашларида комил инсон бўлиш учун кўпгина хусусиятларни эгаллаш лозимлиги ўз аксини топганини кўришимиз мумкин.

Инсондаги комиллик, энг аввало, унинг фикри, тафаккур қилиш даражаси ва амалий фаолияти эркинлигини англашидадир. Шу маънода буюк юонон файласуфи Суқротнинг “Ўзлигингни англа!”,-деган даъвати ҳам инсоннинг ўз насл-насабини, ҳаёт мазмунини, кишининг келажак авлодлар олдидағи масъулияти ва мажбуриятини англашга қаратилган чақириқдир. Комил инсон ғоясини миллий истиқлол ғоясидан ажратиб бўлмайди.

Тасаввуф таълимотида комил инсон муаммоси асосий ўринни эгаллайди. Бунда албатта буюк мутасаввиф Сайфиддин Боҳарзий қарашларининг ўрни бекиёс. Комилликка эришиш йўлларини сўфиёна ғоялар билан бирга Сайфиддин Боҳарзий ҳам кенг тарғиб қилган. Унинг мақсади, бош ғояси инсон қалбини, маънавиятини ислоҳ этиш, комилликка интилишдир.

Сайфиддин Боҳарзийнинг асарларида айниқса, рубоийларида ёритилган қарашлари ва ҳаётий тажрибалари инсонни руҳий ва ахлоқий камол топишига, жамиятда эса соғлом ва покиза муҳитни юзага келтиришига, инсон ахлоқи ва одоби шаклланган барча ижобий хислатларни, уларнинг инсонларга, жамиятга ва Ватанга бўлган муносабатлардан тортиб токи оиласига

ота – онага ва бошқаларга муносабатларининг барча қирраларини қамраб олади.

Сайфиддин Боҳарзийнинг инсон камолоти ҳақидаги қарашлари тўғрисидаги фикр юритганда, унинг “Рисолаи васиёйи Боҳарзий”<sup>1</sup> (“Боҳарзий васиятлари”) рисоласидаги жумлаларни айтиб ўтиш жоиз. Боҳарзий наздида жамиятда комил инсонни шакллантириш масалаларга қуидагича ёндашади. Биз жамиятда комил инсонни шакллантиришимиз учун, “бу иззатни эгаллаш ва тўлиқ ҳосил олишга тўрт нарса сабаб бўлади: яхши уруғ, яхши жой, яхши ўғит ва қулай вақт”<sup>2</sup>. Бу жуда ҳам мукаммал тарздаги ўхшатиш бўлган. Яъни бу билан Боҳарзий жамиятда инсонларни комиликка эришувида ёш авлоднинг вужудга келишидан бошлаб эътиборли бўлишликни, жамиятда ва оиласда маънавий ва маърифий, илм–зиё билан йўғрилган мухитнинг яратилиши, фарзанднинг ёшлигидан одоб–ахлоқ масалаларида эътиборли бўлиш кераклиги ва бунинг учун фарзандларнинг тарбиясига отона, қўни – қўшни, маҳалла ва элу юртнинг бефарқ бўлмаслиги, вақтларини аямасликларини таъкитлаб ўтган.

Сайфиддин Боҳарзий комил инсонни шакллантиришининг тўрт асосий устунини қуидагича шарҳлаб, таҳлили этиш мумкин:

Биринчидан: **Яхши уруғ.** Ҳосилнинг яххисини етиштирмоқ ниятида бўлсангиз, уруғнинг яххисини танлашингиз вожиб бўлади. Чунки фақатгина яхши уруғдан яхши навли, сифатли маҳсулотни олишингиз мумкин. Бунда оила қуриш масаласида аёлнинг ҳамда эркакнинг маънавий баркамоллиги, соғлом инсон бўлиши, баркамол инсоннинг вужудга келишида асос бўлиб хизмат қиласи. Ҳозирги кунда Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг ташабbusлари билан ёшлар ўртасида китобхонликнинг ривожлантирилиши уларнинг маънавий баркамол бўлиб шакланишларига асос бўлиб хизмат қиласи. Спорт соҳасида ёшларнинг эришаётган ютуқлари бу мамлакатимизнинг жаҳонга танитишнинг энг қулай йўли бўлиши

<sup>1</sup> نویسنده: شیخ العالم سیف الدین باخرزی تصحیح: ایرج رساله وصایای باخرزی. 2010 . نشر دیباية. ص. 109-103 . افسار برای سید شمس الدین

<sup>2</sup> نویسنده: شیخ العالم سیف الدین باخرزی تصحیح: ایرج افسار رساله وصایای باخرزی. 2010 . نشر دیباية. ص. 107. سایفیدдин بوҳارزی « Vasiyatҳои Сайфиддин Боҳарзий» Техрон: Нашри Дебоя, 1397. ب. 107.

билин бирга ёшларимизнинг жисмоний жиҳатдан баркамол инсон бўлиб шаклланишлари учун замин яратади. Ҳамда янги авлоднинг соғлом келажак яратишимиш учун туртки бўлади.

**Иккинчидан: Яхши жой.** Яхши ҳосил олиши учун дастлаб яхши уруғ танлангандан сўнг яхши, сифатли тупроқни ишлов берилган ерга ўша уруғ қадалади ва уруғ кўркам бўлиб ривожланади. Сайфиддин Боҳарзий фикрича, комил инсон тарбиялашда иккинчи асос бу яхши жой масаласидир. Ҳар бир ўз фарзандининг комил инсон даражасида улгайишини мақсад қилган инсон аёлининг соғлом, бўлиши учун асосий жавобгар шахс ҳисобланади. Ҳар бир эркакнинг ўз оиласи олдидаги вазифалари ва бурчларининг мавжудлиги ва бунга эътиборнинг кучайтирилиши жамиятимизда тинч оилаларнинг шаклланишида асосий аҳамият касб этади. Оилаларда маънавий муҳитнинг шаклланганлиги, инсон камолотга эришиши ва ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қиласи. Ҳозирги кунда мамлакатимизда “Соғлом она-соғлом бола” шиори остида кўплаб ишлар амалга оширилди. Оилада аёлга бўлган муносабат масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Президентимиз томонидан аёлларга бўлган эътибор, уларнинг жамиятда ўз ўринларини топишлари учун барча шароитлар яратилганлиги ва бу эътибор қонун ва қарорлар билан мустаҳкамлаб қўйилганлиги, жамиятда аёлга бўлган муносабатни кўрсатади. Соғлом, баркамол келажагимизни вояга етказиш учун оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш, соғлом болани тарбиялашда уларнинг ролини ошириш, кучли, барқарор ва равнақ топаётган давлатнинг негизи сифатида маҳалла ва оила институтларини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш чора тадбирлари кўрилмоқда.

**Учинчидан: Яхши ўғит.** Яхши уруғни ишлов берилган яхши ерга қадашдан сўнг, унинг кўркам ва чиройли бўлиб ўсиш учун парваришилаб яхши озуқалар берилади. Комил инсонни шаклланишида аждодларимизнинг қарашларидан бизгача етиб келган турли фикрлар мавжуд. Уларнинг фикрларича инсонни дунёга келишидан эмас она қорнида вужудга келишидан бошлаб тарбия, яъни Сайфиддин Боҳарзий таъбири билан айтганда яхши озуқани беришни бошлаш керак. Бу масалада она ва отанинг

вазифалари жуда ҳам асосий ўринни эгаллайди. Отанинг оилани таъминлаш учун топаётган маоши ҳалол йўлдан бўлиши, чунки ҳаром йўлдан, бирорни нориза қилиб топилган луқманинг у ҳаром бўлиши алломаларимиз томонидан таъкитлаб ўтилган. Ҳалол луқмага эътибор онанинг қорнида шакланаётган мурғак гўдакнинг келажакда комил инсон бўлишида асосий ўрин тутади. Энг асосийси аёл ўзини маънавий ва жисмоний жиҳатдан авайлаши керак. Бу даврда аёл фақат ҳалол егуликлар емоғи, гўзал нарсаларга қарамоғи, ёқимли сўзларни тингламоғи ва мулоим бўлмоғи лозим. Асосан тўғри сўзли бўлмоғи лозим. Чунки фарзандга онадаги барча хусусиятлар ўтади. Ривоятларга кўра, Собит исмли йигит бир тишлам олмани изнисиз еб қўйиб, эгасидан розилик сўраш учун чеккан машаққати- тақводорлиги туфайли Имом Аъзам Абу Ҳанифадек улуғ олим дунёга келган. Бу воқеада катта ҳикмат ва олий ибрат бор.

Тўртингидан: **Қулай вақт.** Бола тарбиясида, унинг ёши ва қизиқиши ва иқтидорини инобатга олиш лозим. Болани бирор бир ютуққа эришишида, натижани кўришга шошмаслик керак. Ҳар бир ишни тадрижийлик асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Масалан болани икки ёшгача фақат ширин сўзлар билан, эркалаш орқали тарбия қилинади. Беш ёшгача бола атрофни ўрганади, асосий маълумотни шу ёш оралиғида эгаллайди. Бу даврда биз кўпроқ амалий жиҳатдан намуна бўлишлигимиз соғлом оилавий мухитни яратишимиз зуур бўлади. Кейинги давр кўпроқ қаттиққўллик ва интизомни талаб этади. Бу давр ўсмирилик пайти бўлиб, бола оқ-қорани ана шу пайтда ажратади. Яхшиликка мукофот, ёмонликка жазо муқарралигини ана шу пайтда англайди. Бу даврда фарзанд тўғри йўлга солинса, солих дўстларга ҳамроҳ қилинса, у одобли бўлиб, яхши инсон бўлиши учун мухим қадам қўйилади.

Ўн саккиз ёшдан бошлаб фарзанд дўстимиз, ҳамсуҳбатимиз, вақти келса, сирдошимиз бўлмоғи лозим. Бола ота-онадан ҳайиқмаслиги, вақти келса сирдоши бўлмоғи лозим. Бола ота-онадан ҳайиқмаслиги, балки энг яқин кишиси сифатида ҳурмат қилмоғи лозим. Бу маълум маънода охирги босқич бўлиб, ушбу даврда фарзандимизни қай даражада тарбия қилганимизнинг самарасини қўрамиз. Шу босқичгача яхши ёки ёмон тарзда

амалга оширилган тарбия фарзанд умрининг охиригача ҳамроҳ бўлиб қолади.


Боланинг таълим олишида қаттиққўллик ярамайди. Бунда меҳр ва ширинсўзлик билан таълим ва тарбия берилади. Акс ҳолда зўрлаб берилган илм хотирадан тезда ўчади. Оқибатда унинг шу соҳага нисбаттан қизиқиши сўнади.

Алломаларимиз фикрича ахлоқи вайрон хотиндан туғилган ва разил ота қўлида тарбия топган фарзанддан яхшилик кутиш қийин. Чиройли хулқ офтобга ўхшайди, офтоб музни эритгани ёки сув тузни эритиб юборгани каби чиройли хулқ ҳам ёмонликларни эритиб юборади.

Шу маънода Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг қуидаги тўртлигини мисол келтириш жоиз деб топдик.

Тарбиядан тупроқ гавҳар бўлади,  
Ноф ичра қон мушки амбар бўлади.  
Қийматсиз бир қора темирни иксир  
Тарбия айлаган соф зар бўлади.<sup>1</sup>

### Сайфиддин Бохарзийнинг комил инсон концепцияси



<sup>1</sup>Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Исломда соғлом бола тарбияси. 2017 minor.uz.

# САЙФИДДИН БОХАРЗИЙНИНГ ТАСАВВУФИЙ ДУНЁҚАРАШИДА ТАФСИР ИЛМИ

Сайфиддин Бохарзий Мовароуннардаги машҳур сўфий шайхларидан бири сифатида ном қозонган. Хоразмда Нажмиддин Кубро муридларидан бири бўлиб, Абдурахмон Жомийнинг маълумотига қараганда, Нажмиддин Кубронинг Сайфиддин Бохарзийни икки марта чилла ўтиришга буюради. Ва иккинчи марта чилла ибодати тугаганидан сўнг уни Бухорога кубравия тариқатини давом эттириш учун юборади. Сайфиддин Бохарзий кўп йиллар давомида Бухорода яшайди ва катта мавқеъга эришади. Унга “Шайхул Олам” унвони берилди. Мўғул амирлари олдида мавқеи баланд бўлган. Ато Малик Жувайнийнинг ёзишича, мўғул амири Мангужоннинг онаси Суоркўктанибида (мехрибон ва раҳм-шавқатли инсон бўлган (вафоти ҳижрий 649й)), илм-маърифатни юқори кўтариш мақсадида мадраса қурдиради ва бу мадрасага ишончли вакил сифатида бошқарувни Сайфиддин Бохарзийга топширади<sup>1</sup>. Ҳозирда у кишининг қабри Бухоро шаҳрининг Фатҳобот мавзесида жойлашган.

Сайфиддин Бохарзий ҳақида бизгача жуда кам маълумот етиб келган. У ҳақида ёзилган асарлардан ҳажм бўйича энг катта асар бизгача етиб келгани ва форс тилида нашр этилган “Рисолай ишқ” асаридир<sup>2</sup>. Бундан ташқари Сайфиддин Бохарзийнинг кичик ҳажмдаги ёзиб қолдирган васиятлари бизгача етиб келган ва нашр этилган<sup>3</sup>.

Шунингдек Сайфиддин Бохарзийнинг рубоийлар жамланмаси нашр этилди. Бундан ташқари, унинг невараси Абул Мафохира Яхё Бохарзий (вафоти 736 ҳиж) сўфийлик таълимотига ҳақидаги фикрларини ўзининг “Аврод ал-аҳбоб ва фусус ал-адаб”

<sup>1</sup> Ато Малик Жувайний. Тарих-и жаҳонқушои Жувайни. Муҳаммад Қазвиний мухаррирлиги остида. III.T.: Leiden, 1937. Б.9.

<sup>2</sup> Биринчи марта бу рисола Ираж Афшор томонидан нашр этилган: Мажалла-ийи данишкада-ийи адабиёт-и донишгоҳи Техрон, 4/8 (1340). Сўнгра 1359 йилда Савоних Аҳмад Фаззолийнинг “Ду рисолай ирфони дар ишқ” асарига мувофиқ тарзда шу нусха билан бирга чоп этилди. Шунингдек, Ҳабиб Яғмайи (Техрон 1343) томонидан ҳам нашр этилди.

<sup>3</sup> Нашрга тайёрловчи Ираж Афшор // Фарҳанг-и Эрони замин, 20 (1353). С.316-23.  
Дастлаб нашрга тайёрловчи Худобахши (ZDMG,57) 51 рубоийдан, кейин Сайд Нафаси саъй-ҳаракатлари билан Мажала-ийи донишкада-ийи адабиёт. Т.II.№4-90 рубоий.

китобида айтиб ўтган<sup>1</sup>. Сайфиддин Бохарзийнинг сўфийлик таълимотига оид форс ва араб тилидаги байтларини одатда бир қатор қўлёзма манбаларда ва у кишининг муридларига айтган маъruzalari, сўзлаган нутқлари муҳрланган бизгача етиб келган манбаларда кўришимиз мумкин. Бу манбалар Сайфиддин Бохарзий аклий салоҳиятининг яна бир қиррасини очиб беради.

Сўфийлик таълимоти узоқ тарихга эга ва бу тарихий жараёнда баъзи сўфий шайхлари ўзларининг маъruzalari билан катта мавқеъ эгаллаганлар. Машҳур сўфийлик таълимотига оид мажлислар Боғдодда Абу Али Доҳқоқ томонидан, Нишопурда Кушайрининг устози ва қайнотаси Абу Саид Абул Хайр томонидан ташкил этилган. Дарҳақиқат, сўфий шайхлари муридларни шу мажлислардаги маъruzalari орқали уларга сўфийлик таълимотидан таълим беришган ва сўфийликка тайёрлаганлар. Одатда муридлар устозлари айтган маъruzalarni ёзид боришга ҳаракат қилишар эди. Бундай муридларнинг ёзувларини уларнинг шахсий ёзишмаларида, ўзларининг шайхлари ҳақида ёзган асарларида кўриш мумкин. Масалан, шайх Абу Исҳоқ Қазарунийнинг (вафоти 426 йил ҳижрий) “Фирдус ал-муришидия фил-асрор ас-самадия”<sup>2</sup> асарида баъзи бир шайхларнинг мажлислари ҳақида ёзган. Бундан ташқари Абу Саид Абул-Хайр - Мухаммад бин Мунавварнинг муаллифлиги остида “Асрор ат-тавҳид”, Фарииддин Атторнинг “Тазкират-ул авлиё” асарлари буларга мисол бўлади.

Айнан бир шайхнинг йифилишлари хусусида мустақил тарзда ёзилган манбалар ҳам мавжуд, булардан: Аҳмад ал-Фаззолийнинг “Мажолис”<sup>3</sup> асари, Жалолиддин Румийнинг “Мажолис сабоҳ ва фиҳи ма фиҳи”, Аловуддавла Симнанийнинг “Чихил мажлис”, Низомиддин Авлиёйнинг “Малфузот”, “Фавоид

---

<sup>1</sup> Сайфиддин Бохарзий ва унинг асарлари ҳақида.: *Донишномайи жаҳони ислом*. Т.I (1375).Б.132-4; Шунингдек дастлабки маълумотлар қуйидаги асарга қаратилган Ираж Афшорнинг Абул Мафохир Яхё Бохарзий. *Аврад ал –аҳбоб ва фусус ал-адаб*. Т.II(Фусус ал-адаб). Техрон: Интишорат-и донишгоҳи Техрон,1345.Б.3-25.. Сайфиддин Бохарзий васиятлари. Бухоро: 2020. Сиёsat фанлари номзоди доцент. Болтаев А.А. таржимаси. <https://graph.org/Buhoroning-buyuk-valisi-Sajfiddin-Boharzij-vasiyatlari-02-02>

<sup>2</sup>Ираж Афшор нашрга тайёрлаган, 3-нашр. (1358), 20-21 боблар. Биринчи нашр Фритц Майёр (Истамбул 1943) томонидан тайёрланган.

<sup>3</sup>Аҳмад ал-Фаззолий. Мажолис. Нашрга тайёрлаган Аҳмад Мужоҳид. Техрон: 1376.

ал-фавоид” номли, Убайдуллоҳ Ахрорнинг “Малфузот ҳожи” шулар жумласидандир.

Сайфиддин Бохарзий ҳам бу сўфийлик анаъналари йўлидан бориб ўз муридларига мажлисларда ёки Бухородаги ўзининг сўфийлик хонақоҳида минбардан туриб маъruzalар қилган. Бироқ унинг йиғилишларидан манбалар бизгача етиб келмаган. Факат шайхнинг минбардан айтган баъзи сўзлари муридлар томонидан ёзиб борилган ва уларнинг айримлари бизгача етиб келган, бу ўз навбатида шайхнинг маъruzalарини ёзиб борувчи муридларнинг борлигидан далолат беради. Бугунги кунга қадар бундай ёзувлар жуда кам сонда бизгача етиб келганига қарамай бу маълумотлар бизга маълум даражада шайхнинг фаолияти ва унинг йиғилишларда муҳокама қилган мавзулари ҳақида маълумот олишимизга ёрдам беради. Шайх Сайфиддин Бохарзийнинг маъruzalari тўғрисида маълумот берган кишилардан бири- у кишининг неваралари Абу-л-Мафоҳир Яҳё Бохарзийдир. У киши ёзиб қолдирган маъruzalарнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, шайхнинг маъruzalаридан сўфийлик таълимотининг амалий жиҳатларини ўрганиш мумкин ва бошқа муридлар ёзиб қолдирган шайхнинг маъruzalarda айтган нутқларининг аксарияти сўфийликнинг назарий масалаларга тегишлидир. Сайфиддин Бохарзий маъruzalаридан Абу-л-Мафоҳир Яҳё Бохарзий ёзган манбаларида тасаввуфнинг амалий жиҳатларидан бири “хизмат” ҳақида сўз боради. Абул Мафоҳир ўз китобида “хизмат”нинг ахлоқий меъёрлари ва унинг зарур шарт – шароитларга бағишланган жиҳатларини очиб беради ва факирлар билан сўфийларга хизмат қилиш мажубиятларини тушунтириб, охирида Сайфиддин Бохарзийнинг фикрларини айтиб ўтади, жумладан “ҳақиқий сўфийлар ҳатто ўз душманларига ҳам ёмон муносабатда бўлмайдилар”-деган фикрларни ёзади.

Бохарзийнинг муридларига қилган маъruzalаридан:

1. Шайхул Олам Сайфиддин Бохарзий (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин) минбардан туриб қуйидагича фикрларни билдирганлар:
  - Кишилар ўз душманларига нисбаттан эътиборсиз бўлмасликлари керақ, дўстлари ёки душманлари билан ҳар қандай вазиятда ҳам яхши муносабатда бўлсинлар. [Китоби Аврод.Б.132].

Шайх сўфийлик таълимотининг амалий жиҳатлари тўғрисида фикр юритувчи яна бир манба, “Шайхнинг алоқий нормалари ва шайх билан мурид ўртасидаги ўзаро муносабат”га бағишиланади. Бохарзийнинг невараси Абул Мафохирнинг ёзишича, ҳар бир мурид шайхга ўзини бағишлиши керак (*дасти иродат*), у ўзининг шайхини (устозини) барча шайхлардан устун деб билиши ва пир сифатида қабул қилиши керак. Шу фикрлардан сўнг у ўзининг бобоси тўғрисидаги гапириб, унда шайх Сайфиддин, шунингдек, Нишопурлик шайх Маломатий Абу Ҳафс Ҳадид ва “Хожагон тариқати”ни эслайди.

2. Шайхул Олам Сайфиддин Саид бин Мутаҳҳар ал-Бохарзий (Аллоҳ ундан рози бўлсин) минбардан қуидаги фикрларни баён этди:

- Эй инсон, агарда сен Аллоҳ йўлидаги фақирлар маънавий сухбатида бўлсанг ва уларнинг мажлисларида қатнашсанг, билгилки сен танлаган инсонлар Аллоҳга яқинлиги, маънавиятининг бойлиги учун булар бой инсонлардир. Шайхул Олам Сайфиддин Саид бин Мутаҳҳар ал-Бохарзий фикрларидан шундай хуласа келиб чиқадики, маънавий бойлик моддий бойликдан устун туради. Маънавий юксаклик моддий бойлик билан белгиланмайди. Моддий бойлик ҳақиқий бойлик ҳисобланмайди.

Сайфиддин Бохарзийнинг юксак мақоми ва юксак даражасини кўрсатиш учун Абул Мафохир қуидаги маълумотларни айтган: Шайх Сайфиддин Бохарзий минбарга кўтарилаётганларида ўз муридларига, Аллоҳга саловот айтинг ва ундан фақатгина тинчликни сўранг, деб таъкитлади. [Китоби аврод .Б.211].

Юқоридаги ҳикоялар одатда буюк шахсларнинг ўз издошлари томонидан ёзилган бўлиб, авлодлари ва неваралари томонидан эсадалик сифатида баён қилинган. Тарихда Абу Саид Абул-Хайр ва Рўзбекхон Бақли ҳақида яратилган ҳикоялар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, Шарофиддин Иброҳим Рўзбекхон Сонийнинг “Тухфат аҳли ирфон”ида ва Муҳаммад бин Мунавваранинг “Асрор ат-тавҳид” асарларида шундай маълумотларни кузатамиз.

Шайхул Оламнинг тасаввуф назариясига оид кўпроқ унинг муридларига қилган маъruzalарида ўз аксини топган. Одатда

бундай мавзулар ҳақидаги шайхнинг фикрлари у кишининг йиғилишларда Қуръон оятлари маъноларини муридларига етказиш жараёнида тасаввуф ҳақидаги фикрлари баён этилган. Бу жумлалар бир, икки мисра ёки байт билан ифодаланган. Терминологик жиҳатдан бундай мисралар нафис, чиройли, “латиф” деб номланган.

Шайхлар муридларга маъруза қилишдан олдин Қуръон оятларидан тиловат қилган. Маърузалар Қуръон оятлари асосида ўтиши талаб этилган. Шайхул Оlam ҳам ўз маърузаларини бевосита Қуръон оятлари асосида тушунтириб борган ва ҳар бир муҳокама қилинадиган масалалар Қуръон оятлари асосида шарҳланган. Шайхнинг маърузаларида қатнашган муридларнинг кўпчилиги шайхга кўплаб саволлар бериб, уларнинг саволларига жавоб беришда шайх Қуръон оятлари ва ҳадислардан шарҳлар келтириб тушунтирган.

Буларнинг барчаси шайхнинг маърузалари мавзуларини танлашига асосий сабаб бўлар эди. Сўфийлар мажлисларидаги шайхнинг бу нутқлари бежиримлиги билан ажралиб турган. Одатда шайхлар муҳокама қилинадиган мавзуни олдиндан белгилаб олмас эдилар. Шайх Сайфиддин Боҳарзий томонидан айтилган мавзулар йиғилишнинг ўзида муридларнинг берган саволларига қараб белгиланаар эди. Бунинг ўзига хослиги шунда эдики, шайх ҳар бир саволларга жавоб беришда исбот сифатида Қуръон оятларини келтирган.

Мажлислардаги сұхбатларнинг энг чиройлilари сўфийлар ҳаёти ва унинг тарихига бағишлиланган ҳикоялар эди. Эҳтимол, бу удум аср боши ҳикоячиларидан мерос сифатида етиб келгандир. Хурсонда Аҳмад ал-Ғаззолий ўзининг гўзал мажлислари билан машҳур бўлган. Боғдоддаги мажлисларида қилган нутқларидан бизгача етиб келган манбалар шуни кўрсатадики, у Қуръон оятларидан мисоллар келтириб жуда ҳам чиройли нутқлар қилган. Одатда бундай латиф (чиройли) мажлислар тингловчиларнинг жўшқинлиги ва ҳаяжонига сабаб бўлар эди. Лекин уламолар Қуръон оятларини таржима қилишда кўп чиройли, жимжимадор сўзлардан фойдаланишга йўл қўймаганлар, Қуръон оятларининг мазмуни ўзгаришидан ҳайиқишиган. Шунга ўхшаш нафис ва гўзал мажлисларда, Қуръон тафсирининг асосларига бундай чуқур маъноли иборалар тўғри

келмайди, деб уламолар томонидан танқид қилинган ва бунга йўл қўйилмаган. Ҳатто баъзи бир сўфийлар бу масалада эҳтиёткорлик билан ёндашганлари ҳақида маълумотлар мавжуд. Бундай сўфийлардан Ал-ад-Давла Симнаний (659—736 ҳижрий.йил.), туғилган йили Сайфиддин Бохарзийнинг вафот этган йилига тўғри келади. Мажлисларидан бирига Ал-ад-Давла муридларига иложи борича Куръонни қунт билан ўқишига ҳаракат қилиши, латиф сўзлардан фойдаланишда эътибор бермасликни уқтиради ва ўзи ҳам мажлисда ортиқ бундай гапирмасликни таъкидлайди.

Симнаний - Куръон ўқишида - иноят кўп. Агар инсоннинг ички дунёси тоза бўлса, Куръон ўқиши пайти унинг яширин маънолари намоён бўлади ва нисбаттан маънолари аниқ ифодаланади - деб айтади. “Ҳақиқий маънодаги Куръон оятлари маъноларини очиб берувчи латиф мисралар камдан-кам ҳолларда бўлади. Бундан олдин, мен латиф жумлалар ёрдамида оятларнинг сирли тушунчаларини топардим. Аммо Аллоҳ билувчи, мен нафис фикрлар тўғрисида бир сўз айтишдан раббимдан уяламан”<sup>1</sup>, дейди у.

Симнаний Аҳмад Ғаззолийнинг маъruzаларини синчковлик билан танқидий таҳлил қилиб, у ҳам ўз мажлисларида Куръон оятларининг маъноларини очиб беришда гўзал мисралардан фойдаланган киши бўлганлигини таъкитлайди ва унинг рубоийларидан намуналар келтиради.

Ала ад-Давланинг ўз йиғилишларида таъкитлаганидек, Куръоннинг марҳаматларини минбардан туриб гапириш бу воизларнинг вазифаси эди. “Бунда воизлар учун латиф жумлалар жуда муҳим” деб ҳисоблайди.

Худди шу тарзда Рашид ад-дин Майбуди “Кашф ал-Асрор” асарининг кириш қисмида худди шу мавзуда гапириб, *тафсирнинг ўзи* Куръон оятларининг сирларини, сўфийларининг кўрсатмалари ва ажойиб насиҳатлари орқали унинг маъноларини ойдинлаштиришга қаратади.<sup>2</sup>

Абу Наср Бухорий тафсирлари ва Сайфиддин Бохарзий гўзал рубоийлари шуни кўрсатадики, ўтган бир ярим асрлик давр

<sup>1</sup>Иқбол Шоҳ Сижистоний.Чихил мажлиси/Нажиб Маила Ҳарави таҳрири остида. Техрон: 1366. Б. 250.

<sup>2</sup>Абул Фазл Рашидиддин Майбуди. Кашф ал- асрор ва иддат ал- абзор/ нашрга тайёрловчи Али Асғар Ҳикмат. З-нашр Техрон: 1357. Т. I. С. I.

давомида Бухоро сўфийлигига ўзгаришлар юз берди. Илохий ишқни тарғиб қилувчи сўфийлик йўналишини мумтоз шеърият эгаллади. Бу Абу Бакр Калободий томонидан яратилган мумтоз тасаввуфни ривожлантириди. Сайфиддин Бохарзий Бухорода сўфийликдаги илохий севги мавзусига урғу берган. У Хурросоннинг гарбида келиб Нажмиддин Кубро ёнида унинг таълимотини ўрганди. Шунинг учун уларнинг мажлисларида Қуръон оятлари ҳақида форс тилида тафсир қилинса, уларни изоҳлашга эҳтиёж сезмас эди.

## ШАЙХУЛ ОЛАМНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИДА ИРФОНИЙ-ФАЛСАФИЙ МАСАЛАЛАР

Диссертант ҳозиргача сақланган “Мажмуъи осори Шайхул Олам Сайфиддин Бохарзий”(Шайхул Олам Сайфиддин Бохарзий асарлари мажмуаси) борлигини аниқлаб, унинг таркибидаги саккизта асарни ўзбек тилига ўтириб, тасаввуф тарихидаги ўрнини белгилаган. Сайфиддин Бохарийдан қуидаги маънавий мерос сақланган:

**1."Воқеоти хилват"<sup>1</sup>** ("Хилват воқеалари"). Мавлоно Ғуломнави Таваккули Пуштавий форс тилига таржима қилган, 13 бетдан иборат. Бу асарда Нажмиддин Кубронинг Сайфиддин Бохарзийни иккинчи марта чилла ўтиришга даъват қилганлари ва ибодат вақтида содир бўлган воқеа ва ҳолатлар ёритилган.

Асарнинг дастлабки тўрт варагида Нажмиддин Кубронинг Сайфиддин Бохарзийга чилла ўтиришга оид айтилган ўйтлари, кейинги бетларида чилла вақтидаги воқеотлар, Бохарзийнинг чилла даврида кубравияга хос бўлган ўн мақом белгиларини кўрганлиги, Нажмиддин Кубронинг у кишига ҳирқа кийдириб, мустақил тарбия беришга рухсат бериб, Бухорога юборганлиги баён этилган. Бу асар ҳозирги қунга қадар кубравия тариқатининг ўзига хос томонларини баён этувчи манба сифатида аҳамиятлидир. Унинг фалсафа тарихи учун аҳамиятли томони нафс ва қалб тарбияси ҳақида маълумот берилганидадир.

---

<sup>1</sup> شیخ العالم سیف الدین باخرزی . وقایع الخلود . نشر دیباچه ترجمه: مولانا غلام نبی توکلی پشته ئى-42-ص 27.

**2.“Китоби фатво ва воқеоти ирфонийи Бохарзий”<sup>1</sup>** (“Бохарзийнинг фатво ва ирфоний воқеалар китоби”). Бу асарда Сайфиддин Бохарзий хонақоҳларидағи муридларнинг ҳаёт тарзи, тартиб-қоидалари, устоз ва мурид ўртасидаги ўзаро муносабат ва муридларнинг бир-бири билан мулоқот одоблари, сўфийлар истиқомат қиласиган хонақоҳлар одоби, ўзини-ўзи назорат қилиш ва кузатиш усуллари, сўфийлик мақомлари, самоъ мажлислари, сўфийларнинг либослари ва тасаввуф истилоҳлари ҳақида сўз боради. Диссертантнинг шахсий кутубхонасида бўлган асарнинг нусхаси 14 бет бўлиб, Техроннинг Нашри Дебоя нашриётида чоп этилган. Асарни араб тилидан форс тилига Хожай Ислом ал Муслимийн али Садри Ҳавоий таржима қилган.

Ушбу асарида 28 фатво савол-жавоб тарзида ёзилган. Диссертант асарни савол-жавоб услубида ёзилишига қараб, Сайфиддин Бохарзийни антик даврнинг машҳур файласуфи, Шарқда “Биринчи устоз” номи билан машҳур Платонга ўхшатган, савол-жавоблар Сайфиддин Бохарзий ва унинг устози Нажмиддин Кубронинг фикрлари эканлиги билан ушбу асар Платоннинг ўз асарларида устози Сукротнинг ғояларини баён этишига умумийлик борлиги кўрсатилган. Шунингдек, Фатҳободдаги Сайфиддин Бохарзий бошқарган хонақоҳни диссертант Платон академияси билан қиёслаган. Фатҳобод хонақосида ушбу асарда ёзилган услугуб асосида сабоқ олган толиби илмлардан кўпи етук инсонлар бўлиб шаклланган.<sup>2</sup>

Сайфиддин Бохарзийнинг бу рисолалари мурид, муршид, тамкин, истиғфор, сұхбат, хонақоҳ каби тасаввуфий тушунчаларнинг моҳиятини англашга ёрдам беради ва ҳозирги таълим ва тарбия жараёнида устоз ва шогирд муносабатларида ахлоқ масаласини тартибга солиш учун манба бўла олади.

**3."Рубоиёти Шайхул Олам Сайфиддин Бохарзий"<sup>3</sup>** (“Шайхул Олам Сайфиддин Бохарзий рубоийлари”). Тадқиқотлар натижасида ҳозирги кунга қадар Сайфиддин Бохарзийнинг “Рубоийлар” асарида 650 рубоийлари жамлангани аниқланган.

<sup>1</sup> نویسنده: سیف الدین باخرزی ترجمه و کتاب فتاوا و واقعات عرفانی باخرزی. 2010. نشر دیباخته..163-147.ص.

تصحیح: حجۃ الاسلام و المسلمین علی صدرایی خوبی

<sup>2</sup> Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорий “Муъин ал-Фуқаро”. Тарихи Муллозода (Бухоро мозорлари зикри). Тошкент:“Янги аср авлоди”, 2009.Б.53.

<sup>3</sup> عادل اسیر دهلوی، رباعیات سیف الدین باخرزی، دہلی، نشر ملک بک دپو 2010 . نشر دیباخته.59-87.ص

Диссертант қўлидаги асарининг нусхаси Адил Асир Дехлавий томонидан 2010 йилда араб тилидан форс тилига таржима қилинган ва Дехлида нашр этилган бўлиб 25 бетдан иборат унда 98 та рубой жамланган. Диссертант бу рубоийларни Умар Хайём рубоийлари билан қиёслаган. Асарда комил инсонга хос бўлган инсоний фазилатлар ёритилган.

**4.“Китоби Аврод”<sup>1</sup>** (“Аврод китоби”). Ҳақиқат даражасига юксалган шахслар ўз муридларига илоҳий файзларни қабул қилиш йўлларини ўз авродлари орқали очиб берганлар. Ана шундай китоблардан бири Сайфиддин Боҳарзийнинг ушбу асаридир. Унинг диссертант кутубхонасида бўлган нусхаси 8 бет бўлиб, “Нашри Дебоя” нашриётида чоп этилган. Асарни араб тилидан форс тилига Мавлоно Ғуломнабий Таваккулий Пуштай таржима қилган. Асар Аллоҳ ва инсон ўртасидаги ҳижобларни қўтариш ва инсоннинг ўз асл моҳиятини англаб етишга хизмат қиласди. Асарда кубравия тариқатига кирган соликлар учун бажариши зарур бўлган вазифалар белгиланган. Диссертант бу асар билан Абдулқодир Гелоний<sup>2</sup> ва Баҳоуддин Нақшбанд<sup>3</sup>нинг “Аврод”ларини қиёслаган.

Асарнинг фалсафа тарихидаги қимматли томони шундаки, унда Шайхул Оламнинг борлик ҳақидаги ғоялари: олам, унинг турлари, олам ва одам, одам ва Аллоҳнинг ўзаро муносабатлари ёритилган.

**5.“Рисолаи васиёйи Боҳарзий”<sup>4</sup>** (“Боҳарзий васиятлари рисоласи). Диссертантнинг қўлидаги нусхаси Ирохи Афшор томонидан араб тилидан форс тилига таржима қилинган бўлиб, уч бетдан иборат. Таржимон асар бошида Машҳур ориф Сайфиддин Боҳарзий васиятлари Миср миллий кутубхонасида сақланаётган 1930 рақамили “Темур жилди”да мавжуд бўлганлиги ва Мубашир Тирозий берган нусха асосида чоп этганлигини ёзган. Асарнинг охирида: “Буни буюк ва улуғ бўлган Аллоҳ

<sup>1</sup>كتاب نویسنده: شیخ العالم سیف الدین باخرزی مترجم: مولانا غلام نبی توکلی پشنہ ؓ. 2010 نشر دیباية. 43 ص 53 اوراد

<sup>2</sup>Юнусова Г.С. Абдулқодир Гилоний маънавий меросида инсон моҳиятининг фалсафий таҳлили.-Фал.фан.док.дис.-Самарқанд, 2019.Б.25-29.

<sup>3</sup> Баҳоуддин Нақшбанд “Аврод”.Изоҳ ва шарҳлар муаллифи ва таржимон фалсафа фанлари доктори, профессор Г.Н.Наврӯзова. Тошкент: Сано-стандарт, 2019.111.Б

<sup>4</sup>نویسنده: شیخ العالم سیف الدین باخرزی تصحیح: ایرج رساله وصایای باخرزی.2010 . نشر دیباية.103-109. ص افسار برای سید شمس الدین

йўлидаги факир Абулмаъолий Саъид ибн Мутаҳхар ибн Саъид ибн Али ибн ал-Хусайн ибн Али ал-Бохарзий Бухорода 629 йил, Шаъбон ойининг биринчисида ёзиб тугатди”<sup>1</sup>, деб қайд этилган.

Диссертант Шайхул Оламнинг ушбу асардаги инсон камолоти учун зарур бўлган тўрт асос: “яхши уруғ, яхши жой, яхши ўғит, қулай вақт” гояларига таяниб комил инсон концепсиясини ишлаб чиқиб, уни Юсуф Ҳамадоний ва Азизиддин Насафийнинг асариларидағи гоялари билан умумийлик ва хусусий томонларини таҳлил этган. Бу асар Абдулхолик Ғиждувонийнинг “Васиятнома” асари билан ҳам қиёсланган.<sup>2</sup> Асарнинг фалсафа тарихидаги аҳамияти ҳозирги баркамол авлод тарбиясида жуда самарали бўлган, комил инсон тарбияси моделининг мавжудлигидадир.

**6."Китоби рисолаи ишқ"<sup>3</sup>** (“Ишқ рисоласи китоби”). Сайфиддин Бохарзийнинг бу асари 1387 йил Иражи Афшор томонидан форс тилига таржима қилинган бўлиб 13 бетдан иборат. Ушбу асар Имом Ғаззолийнинг укаси Аҳмад Ғаззолийнинг “Савониҳ ул-Ушшоқ” (Ишқ метафизикаси) асарига шарҳ сифатида ёзилган. Абу Али ибн Сино (980-1037)нинг “Рисолаи ишқ”<sup>4</sup> асари билан қиёсланган. Абу Али ибн Сино рисоласи етти бобдан иборат бўлиб, унинг олтинчи боби “Аҳли диллар ишқи ҳақида” бўлиб, Бохарзий асаридаги ғоялари билан умумийлиги бор.

**7."Китоби шарҳи асмо ал ҳусна"<sup>5</sup>** ("Аллоҳнинг гўзал исмлари шарҳи китоби"). Бу асар Мавлоно Ғуломнабий Таваккулий Пуштаий томонидан форс тилига таржима қилинган бўлиб, 36 бетдан иборат. Унда Аллоҳнинг 99 гўзал исмининг мазмунлари очилган бўлиб, ундан сўнг шу мазмун моҳиятни акс эттирувчи, ҳадислар, исмга уйғун ҳикоят ва байтлар орқали кенг изоҳ бериб шарҳланган. Ушбу асар Бохарзийнинг ўз муридларига

<sup>1</sup>شيخ العالم سيف الدين باخرزي تصحیح: ایرج افشار برای سید شمس الدین رساله وصایای باخرزی. 103-109. ص. محمد بن حسن بن علی حسینی

<sup>2</sup> Абдулхолик Ғиждувоний. Васиятнома. Т.:”Ўзбекистон”. 2019. Б.42-48.

تصحیح: ایرج افشار نویسنده: شیخ العالم سیف الدین باخرزی کتاب رساله عشق. 2010. نشر دیباچه. 87-103. ص

<sup>4</sup> Абу Али ибн Сино. Ишқ ҳақида рисола. Маҳкам Маҳмуд. Зайнiddин Баҳриддиновлар таржимаси. Хуршид Даврон кутубхонаси. <https://kh-davron.uz/yangiliklar/abu-ali-ibn-sino-ishq-haqida-risola-2.html> www.kh-davron.uz.

<sup>5</sup> نویسنده: شیخ العالم سیف الدین باخرزی. تصحیح: مولانا غلام نبی توکلی پشتہ ئی. 2010 . نشر دیباچه. 109-147. ص. کتاب شرح اسماء الحسنی

сүйиilik таълимотидан дарс бериш жараёнида ёзилган. Бу асар илохий борлик, инсон ва олам каби фалсафий тушунчаларни ёритишга ёрдам беради.

**8.“Номаи Шайх ул Олам Сайфиддин Бохарзий ба шайх Саъдиддин Ҳамавий”<sup>1</sup>** (“Шайхул Олам Сайфиддин Бохарзийнинг шайх Саъдиддин Ҳамавийга номаси”). “Китоби маҳбуб” ва “Сажанжал ал арвоҳ” асарининг муаллифи Саъдиддин Ҳамавийга ёзилган мактуб бўлиб, З бетдан иборат. Саъдиддин Ҳамавий Сайфиддин Баҳорзий ва Баҳоуддин Валадлар каби Нажмиддин Кубронинг мурид ва шогирдлари бўлган. Саъдиддин Ҳамавий 1252 йилда вафот этган.

## БОХАРЗИЙ ВА УНИНГ ВАҚФ ЕРЛАРИ

Марказий Осиёда жуда кўп ерлар вақф мулкига айлантирилган. Бундай ерлар қўпинча мадраса ва хонақоҳларга вақф қилиб берилган. Вақф тўғрисида адабиётларда турли маълумотлар келтирилади. Масалан, “вақф” сўзи луғатларда “тутиб туриш”, “тўхтатиш” маъноларида келса, “вақф”нинг шаръий таърифи борасида турли фикрлар мавжуд. “Вақф” ҳар бир нарсани Аллоҳ мулки ҳисобида сақлашдир. Яъни, вақф қилинган нарса вақф қилувчининг мулкидан чиқади ва Аллоҳнинг мулкига айланади. Вақф қилинган нарсадан келадиган фойда вақф қилувчи уни вақф этишда тайинлаган жихатга (масалан, талабалар, мусофиirlар, камбағаллар каби) сарф қилинади ва савоби вақф қилувчига абадий бўлади. Вақф қилинган нарса сотилмайди, ҳадя қилинмайди, мерос сифатида қолдирилмайди.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида вақф тўғрисида қўйидагича маълумотлар келтирилган:

“Вақф” сўзи арабчадан олинган бўлиб — мусулмон мамлакатларида давлат ёки айrim шахслар томонидан диний эҳтиёж ёки хайрия ишлари учун ажратилган мол-мулк ҳисобланади. Вақфнома орқали расмийлаштирилади. Ер-сув, уйжой, мактаб, масжид, шифохона ва бошқалар вақф мулки бўлиши

<sup>1</sup> شیخ العالم سیف الدین نامه شیخ العالم سیف الدین باخرزی به شیخ سعدالدین حموی 2010 نشر دیباية 53-58 ص. باخرزی

мумкин. Ўз мулкини вақфга топширган шахс мазкур мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини йўқотади. Лекин унинг ўзи ёки оила аъзолари ёхуд учинчи бир шахс вақф мулкидан вақфномада қайд этилган мақсадларда фойдаланилаётганлигини аниқлаш учун вақф мулкини бошқариш ҳуқуқини сақлаб қолиши мумкин. Ўз мулкини вақф мулки сифатида топширган шахснинг фарзандлари ёки бошқа авлодлари мазкур вақф мулкидан келадиган даромадлардан нафақа олиб туриши мумкин. Вақф мулкини шариат қонуни бўйича давлат бошлиғи ёки қози назорат қиласиди. Бу тартиб Шарқнинг баъзи мамлакатларида ҳозир ҳам амалда.

Марказий Осиёда вақф ҳужжатлари билан маҳсус кишилар шуғулланишган. Уларни мамлакат миқёсида бош садр, жойларда эса садрлар бошқарганлар. 1326–1333 йиллардаги расмий ҳужжатлар Бухородаги ижтимоий-иктисодий ҳаётнинг ҳолати ва бир қанча вақф ҳужжатлари тўғрисида маълумот олишимизга ёрдам беради. Ушбу ҳужжатлар тўғрисида маълумотларни “Новый источник по истории Бухары начала XIV в.”<sup>1</sup> ва “К истории крестьян Бухары XIV в.”<sup>2</sup> мақолаларидан ўқишимиз мумкин.

Бухорода фаолият юритган Шайх Сайфиддин Бохарзийнинг<sup>3</sup> вақф ҳужжатлари тўғрисида<sup>4</sup> бизгача бир қанча маълумотлар етиб келган. Сайфиддин Бохарзийнинг вақф ҳужжатлари Бухоро давлат музей қўриқхонаси “Ҳужжатлар” фондида ИНВ № 31937/11(1-2) рақам остида сакланади. Ушбу ҳужжат 47 метрни ташкил этиб, 1326 йилда ёзилган вақф ҳужжати XVIII асрда қайта кўчирилган нусхасидир.

Бохарзий Ҳирот ва Нишопурдаги илм марказларида диний ва ҳуқуқий таълим олди ва тез орада сўфийга айланди. Тасаввуфга бир неча ютуқларга эришиб, Хоразмга келиб у ерда машҳур бўлган шайх Нажмиддин Кубронинг муридларидан бирига айланди. Сайфиддин Бохарзийнинг сўфийлик

<sup>1</sup> Чехович. О. Д. Новый источник по истории Бухары начала XIV в., журн. “Проблемы востоковедения”, М., 1959, № 5, стр. 148 — 161.

<sup>2</sup> Чехович О. Д. К истории крестьян Бухары XIV в., Известия АН УзССР, серия общественных наук, 1959, № 1, стр. 71 — 76.

<sup>3</sup> Афшор. Ираж. Саргузашти Сайфиддин Бохарзий. Техрон: Нашри Дебоя.

<sup>4</sup> Ҳамдуллоҳ Қазвиний таҳрири остида Нузҳат ал-қулуб,. G. Le Strange, London-Leyden, 1915, р. 153, 177; Аҳмад ар-Розий. Ҳафт иқлим. ркп. Ўз Фанлар Академиясининг IV, № 617, р. 242 б.

таълимотига хос бўлган бир неча манбалар бизгача етиб келган. Хусусан, у ҳақидаги қизиқарли маълумотлар XV асрда яшаб ижод қилган Абдураҳмон Жомийнинг “Нафоҳат ал-унс” китобида мавжуд<sup>1</sup>. Бундай ҳикоялар шайхнинг машҳурлигини уларнинг аҳоли ва маҳаллий ҳукмдорлар олдидаги обрўсини акс эттиради. Жомийнинг таъкидлашича, Сайфиддин Боҳарзий Бухорога устози Нажмиддин Кубро томонидан юборилган ва ўзи кўп ўтмай 1221 йилда Хоразмда мўғулларга қарши курашиш жараёнида вафот этган. Сайфиддин Боҳарзий Бухорода 40 йил яшаган ва жуда юқори мартабани эгаллаган.

Маълумки, Чингизхон ва унинг ворислари томонидан забт этилган худудларни бошқариш, бу худудларда аҳолининг итоаткорлигига эришиш мақсадида руҳонийлардан фойдаланишган. Кўплаб садр ва қозилар ватанларига хиёнат эвазига ҳаётларини сотиб олганлар. Баъзи мўғул хонлари рақибларига қарши курашишда шайхлардан ёрдам сўрашган. Лекин булардан фарқли равишда, манбалар шундан далолат берадики, Боҳарзий халқقا зулмкорлик йўлидан борган мўғул хонлари билан музокаралар олиб борган. Масалан Боҳарзийнинг Ҳабаш Амидга ёзган номаси шундан далолат берадики, Ҳабаш Амиднинг халқقا нисбаттан солиқларнинг ошириши ва зулмкорлиги ва давлат бошқарувида билимсиз ва тажрибасиз ёшларни қўйганлигини қаттиқ қоралаб нома юборади. Бу номада Боҳарзий руҳонийларнинг қаттиқ тазиик остига олинишига ҳам барҳам беришни талаб қиласди. Ундай маълумотлар Сайфиддин Боҳарзийнинг маҳаллий аҳолини ижтимоий, сиёсий, маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаганлигидан далолат беради. У кишининг саъии-ҳаракати билан мўғул хонларидан Ботунинг акаси Беркахон ислом динини қабул қиласди. Сайфиддин Боҳарзийнинг олдига-Бухорога ташриф буюради ва унга мурид тушади. Бу ҳақида В.В.Бартольднинг “Туркестан” номли асарида қуйидаги жумлаларни ўқиимиз; “Кейин Каркаснинг ўғли Беркахон тахтга ўтириди у диннинг равнақига ўз хиссасини қўшди ва мусулмон бўлди. У “Иймон ва тинчлик ёрдамчиси” номини олган “Ҳақиқат ва иймон қиличи” унвонига сазовор бўлган,

<sup>1</sup> Абдураҳмон Жомий. Нафаҳот ал-Унс/Осор.VIII-жилд. Нафаҳот ал-унс, Рисолаи қоғия, Рисолаи арўз, Рисолаи мусиқӣ, Шархи рубоиёт, Номаҳо/ Душанбе: “Адиб”, 1990.С.83-85.

ердаги худонинг сояси, Саййид ўғли Мутахҳар ал Бохарзийни зиёрат қилиб дуоларини олиш учун келди”.<sup>1</sup>

Сайфиддин Бохарзий ўз маънавий кучидан фойдаланиб мўғуллар амирлари ва вазирларига таъсир ўтказганлиги ҳақида В.В.Бартольднинг “Туркестан” номли асарида таъкидланган, “Оксфордда сақланаётган қўллўзма манбаларида кўрсатилишича, Сайфиддин Бохарзийнинг Чифатой амири Ҳабаш Амидга (ёки бошқа бир манбага кўра Жайсид Аҳмадга) ёзган мактуби ҳақида маълумотлар берилади.”<sup>2</sup> Манбалардан шу нарса аён бўладики, Сайфиддин Бохарзий ўта қудратли зодагонга руҳонийларнинг ишига аралашмасликка ва жоҳил ёшларни давлат раҳбарлиги лавозимларига қўйганлиги учун танбех беради ва бу сиёsatни қаттиқ қоралайди. У ҳокимиятни мусулмон, яъни, маҳаллий халқ қўлига топширишни талаб қиласди. Агар ўртада келишмовчилик юзага келадиган бўлса, уни бутунлай йўқ қилишини айтиб таҳдид қиласди. Бу билан у эҳтимол шайхларнинг ролини кучайтиришни хоҳлагандир. Лекин қисман бўлсада бу мақсадга эришди, ислом динини давлат дини даражасига кўтарди ва “Дунёнинг шайхи”, яъни “Шайхул Олам” мақомини олди. Бунга мисол қилиб, қудратли хон Мангур, Хулагу, Қубилайларнинг онаси бўлган Сиюркўктанибиканинг христиан, кериат динига эътиқод қилишига қарамай Бухорода мадраса қурилиши учун 1000 кумуш танга хайрия қилиши ва уни вақф мулки сифатида Сайфиддин Бохарзийга топшириши<sup>3</sup>, Шайхул Оламнинг мавқеининг баланд бўлганлигидан далолат беради. Бу вақф институтларининг ўша пайтда бирор ҳужжатда белгилаб қўйилганми бу бизга қоронғу. Фақат ушбу китобда нашр қилинган 1326–1335 йиллар яъни, бу мадраса Сайфиддин Бохарзийнинг вафотидан сўнг 65 йилдан кўпроқ вақт сақлангани бизгача маълум.<sup>4</sup>

<sup>1</sup> Жавҳарий лугатидан Жамол Қаршининг “Ас-сурा” китобидан бир қисм таржима асосида: В.В.Бартольд. Туркистан., 1 қисм, матнлар, 136-бет.

<sup>2</sup> Бартольд В.В. Сочинение в 9 томах/10 книгах Москва: Издательство восточной литературы. Юрловский пр., 1963-1977г.Б.102

<sup>3</sup> Жувайний. Тарихи жаҳонкушой. Таҳр. Абдулваҳҳоб Қазвини. III. Л.:1937,Б. 9.

<sup>4</sup> Сайфиддин Боҳарзийнинг вафоти (659 йил зу-л-қаъда 24куни. / 1261йил 20 октября.) XVI в. „Китоби Муллоҳода” китобидан таржима қилинган, литогр. изд., Бухара, 1904. Б.41. Куйидаги бир канча адабиётлар бундан олдинги вақтни айтади. (См.: И. Афшар. Саргузашти Сайфиддин Бохарзи, Б. 5; Koprulu Zade Fu'ad, Saif al-din al-Bakharzi, The Encyclopaedia of Islam, IV, Leyden — London, 1934, Б. 74).

Баъзи бир ҳужжатларда мақбаралар ва хонақоҳ Сайфиддин Бохарзий номига вақф эгаси сифатида набираси Абулмуғоҳир Яхё ибн Аҳмад ибн Саид ал-Бохарзийга берилган. XVI аср ёзувчиси Муҳаммаднинг ўғли Аҳмаднинг маълумот беришича, Бухорога 717/1312 – 13 йилларда Карманадан келган ва 736/1335 - 36 йилгача Бухорода яшаб шу ерда вафот этган. Аҳмад бин Муҳаммаднинг маълумотига қараганда, Сайфиддин Бохарзий халқнинг ижтимоий таъминотига катта эътибор қаратган. Масалан, Фатҳобод мавзесида камбағалларни кийим-кечак ва турар жой билан таъминлаб, дағн маросимларини уюштирган".<sup>1</sup>

Шайх Яхёнинг замондоши, араб саёҳатчиси ибн Баттута Бухорода бўлиб, Сайфиддин Бохарзийнинг хонақосида қолади ва қуийдаги маълумотларни беради:

"Биз Бухоронинг чеккасида Фатҳобод деб номланувчи жойда яшадик, у ерда олам шайхи, диндор зодагон Сайфиддин Бохарзий яшар эди. У асосий авлиёлардан бири ҳисобланади. Биз яшаган жой эгасига жуда катта ерлар вақф қилинган ва бу вақф ерлари ҳисобига келадиган даромаддан зиёратчилар озиқ-овқат билан таъминланар эди. Сайфиддин авлодидан бўлган, ҳаж зиёратини амалга оширган Яхё ал-Бохарзий мени ўз уйида меҳмон қилди. У шаҳарнинг энг муҳим кишиларини тўплади. Қуръон тиловат қилувчилар чиройли оҳангда қироат қилдилар ва ваъзгўйлар нутқ сўзладилар. Улар туркий ва форсий тилларда жуда чиройли куйладилар. Биз у ерда энг ажойиб кечаларни ўтказдик ва мен у ерда "садр шариата" унвонига эга бўлган ажойиб ҳуқуқшунос билан учрашдим.<sup>2</sup>

Сайфиддин Бохарзийга тегишли бўлган вақф ҳужжатлари таркибиға ўнта қишлоқ ва Бухоронинг жанубий-шарқий қисмида жойлашган бир та катта аҳоли пункти рўйхати келтирилган. Уларнинг ҳайдаладиган ерлари, боғлари, сугориш каналлари ва ушбу ҳудудда жойлашган бошқа кўчмас мулклари, хусусий ва вақф ерларидан ташқари 1326 – 1334 йилларда мақбаранинг вақф ерлари ва Сайфиддин Бохарзийнинг хонақоси ҳам киритилган. Буларга Суюркўктенибика буйруғи бўйича сотиб олинган ва уни вақф мадрасасига айлантирган ерлар кириши мумкин. "Хония"

<sup>1</sup> Аҳмад бин Муҳаммад. Китоби Муллазода. Бухоро: 1904. Б.41 - 42.

<sup>2</sup> Voyages Ibn-Batoutah, texte arabe, accompagné d'une traduction, par C. Defremery et le Dr. B. R. Sanguinetti, t. III. Paris, 1855, p. 27-28.

номи билан танилган ушбу мадраса Чингизхоннинг кейинги авлодлари ўртасида ўзаро ички урушлар туфайли 1273 – 1276 йилларда вайрон қилинганд. Фатҳобод вақф ери ҳақидаги ҳужжатда "Бу қабрнинг эски вақфи" деган изоҳ мавжуд. Фақат битта эслатма бор. Унда маълумот берилишича, Фатҳобод Шайх Сайфиддин Боҳарзий томонидан қурилган ва унинг вақф ерларига Фатҳобод яқинида жойлашган "Шахри зуди" деб номланган ерлар киради.(1-хужжат, 320, 382-қаторлар). Бирок Хон Суюркўтенибика буйруғи билан сотиб олинган қишлоқлар "эски вақф мақбаралари"га кирганлиги тўғрисида маълумотга эга эмасмиз. 726/1326 йилдаги (№1) хужжатнинг асосий матнидан 0.9 фоизидан кўпроғини вақф тўғрисидаги мазмун эгаллайди. Бунга 1326 (№2 ва 3) иккита тасдиқловчи фармон ва 734/1333 (№ 4) 28 қўшимча вақф ҳужжати юборилади.<sup>1</sup> Вақф ҳужжати тўғрисидаги тўпламда 1744 йил (№5) сонли вақф ер ҳужжати ва 1879 йил қайта тикланган (№ 6) рақамли ҳужжатни киритган, чунки бу вақф ерлари асосий ҳужжат билан бевосита боғлиқ.

Чоп этилган барча ҳужжатларни қуидаги тартибда бўлиб чиқиши мумкин.

1. Кириш қисми ва Аллоҳ ва унинг пайғамбариға ҳамд сўзларидан сўнг, вақф асосчисига ургу бериб, унинг ҳуқуқий моҳияти тушунтирилади.
2. Вақф мулклари ва кўчмас мулк рўйхати, уларнинг чегаралари батафсил кўрсатилган ва бошқа вақф муасасаларига, хусусий шахсларга ёки давлатга тегишли бўлган вақф таркибиға кирмайдиган жойлар вақф мулкига айлантирилганлиги тўғрисида маълумот берилган.
3. Вақф мулклари ва кўчмас мулк рўйхати шу жумладан уй-рўзғор буюмлари, мақбаралар ва хонақо жихозлари,

---

<sup>1</sup> 23 қатордаги ҳужжатнинг матнида бир санада хатолик бўлган, 934 йил мухаррам ойининг 25 куни, ушбу ҳужжатнинг охирида 53 қаторда 734 йил мухаррам ойининг 25 куни аниқ кўрсатилган. Ёзувда тўққиз—سُعَدَة ва етти-سُبْرَاقَامَلَارِيَنِ билдирувчи арабча ҳарфларнинг бирбирига ўхшашлиги туфайли юз берди. Улар фақат диалектик нуқталарда фарқланадилар. Одатда ўрнатилмаган бир неча хил кўринишларни ташкил қиласди. Битта белгининг йўқлигига асосланиб, В нусхамизни А рўйхатидан механик равишда олиб ташлаган котиб, бу сўзни (тўққиз) деб тушунди ва нуқта кўйди. Имло хатоси, биринчидан, кун, ой ва йилга оид маълумотларнинг охирида қўйиладиган сана билан тасдиқланади. Лекин қўплаб саналар бундан мустасно; иккинчидан, учинчи ҳужжат 736/1335-36 йилларда вафот этган шайх Яҳё ал-Боҳарзий номидан ёзилган.

- шунингдек вакф асосчиси томонидан сотиб олинган қул ва қулликдан озод этилган, аммо уларни мақбаралар ва хонақоҳларга ишлаш ва хизмат кўрсатиш учун бириктирилган мулклар тўғрисида маълумот берилган.
4. Вақфни тақсимлаш ва унинг шартлари, вақф ерларини бошқариш учун мансабдор шахсларни тайинлаш уларнинг жисмоний ва иш ҳаққи миқдори тўғрисида батафсил маълумот бериш. Маблағларни тартиб билан сарфлаш, камбағал ва зиёратчиларга хайр-эҳсон қилиш, меҳмондўстлик қоидаларига риоя қилиш. Бўш ерлардан фойдаланиш шартларини ишлаб чиқиш, йиғилган ҳосилнинг 1/3 қисмидан деҳқонларга бериш ва бу ерларга тажовузга қарши чоралар кўриш.

Кириш қисмida Аллоҳга ҳамдан сўнг Сайфиддин Бохарзийнинг невараси Шайх Яхёга вақфга мурожаат қилишга сабаб бўлган бир неча асослар келтирилади. Асосий ғоя ердаги ҳаётнинг вақтинча эканлиги ва инсон ўтгандан кейинги ҳаёт абадий бўлиб, ҳар бир киши “бу дунёда хайрли ишларни амалга оширишга ҳаракат қилиши ва ҳар бир киши ўзини охират ҳаётига тайёрлаши керак”, деган фикрлар мавжуд. Хайр-эҳсоннинг энг яхши тури - бу доимий ва узлуксиз тарзда вақф эгаси вафотидан кейин ҳам мол-мулкидан даромад олиши ва буларни диний муасасаларга ва зиёратчиларга хайр-эҳсон сифатида тарқатиши киради. Вакф мулкини муомалага киритиш акти бир неча талабларга асосан амалга оширилади. Хусусан, вақф мулки тузилгандан сўнг бу мулк сотилмайди, мерос қолмайди, бошқа бирорнинг мулкига айлантирилмай ва ҳеч нарсага сарфланмайди (хужжатда берилган харажатлар бундан мустасно). Вакф ерларидан келадиган давромаднинг бир қисмини фойдаланиш мумкин бўлиб, бизнинг хужжатимиз Сайфиддин Бохарзий қабри устидаги мақбара, хонақо ва иккинчи хонақоҳни қуриш учун мўлжалланган ер майдони киради. Маълумотлардан шу нарса аниқланадики, 1326 йил мавжуд бўлган Сайфиддин Бохарзий мақбараси Бухоро шаҳрининг Қарши дарвозаси ёнида шу ном билан бугунги кунгача сақланиб қолган ёдгорлик билан бир хил эмас. Хужжатда Сайфиддин Бохарзий қабри ва жанубда қўшни хонақо жойлашган бўлиб, хонақоҳнинг кириш қисми ва қабр бирта бўлган. Хужжатда хонақоҳнинг кириш қисми қайси

тарафдан эканлиги маълум эмас. Маълумки, сақланиб қолган мақбара ҳам иккита хонага эга аммо, биринчидан иккинчи хона катта ва у шарқда жойлашган, жанубда эмас. Иккинчидан хоналарнинг катталиги ва хусусияти жиҳатидан уни хонақоҳ сифатида ишлатиш мумкин эмас.

Бу мулоҳазалар археолог Н.Б.Немцева кузатувлари билан тасдиқланган, Сайфиддин Бохарзийнинг сақланиб қолган мақбараси унинг ёнида жойлашган Боёнқулихон мақбарасидан олдин XIV асрнинг иккинчи ярмидан аввалроқ қурилганлиги аниқланган. Сайфиддин Бохарзий мақбарасида Бохарзий қабридан ташқари унинг икки ўғли - Жалолиддин Муҳаммад ва Мазҳариддин Мутахҳар, шунингдек Абул Муфоҳир Яҳёниг неваралари Хованд Бурхониддин ва Рухиддин Шайх Довуд қабрлари мавжуд. Сайфиддин Бохарзий ўғилларининг қабрлари ғарб томонда, набираси ва чеваралари унинг қабрининг шарқида жойлашган. (Қаранг: Китоби Муллозода 42-бет).

Бухоро вилоятининг тарихий топографияси тўғрисида чоп этилган ҳужжатда кенг ва қимматли материаллар мавжуд.

Вақф ҳужжатига киритилган майдонлар.

- 1.Фароқан қишлоғи ҳудудлари:
2. Ушмиюн қишлоғи
3. Ибоди қишлоғи
4. Қишлоқи Бижуги
- 5.Маргзорча қишлоғининг ҳудуди
- 6.Заханжиза қишлоғи
- 7.Ҳавзи аруzon қишлоқ ҳудуди
- 8.Фатҳобод вақф ерлари
- 9.Фаришун қишлоғи
- 10.Розина қишлоғи
- 11.Қовоқдиза қишлоғи
- 12.Қасара қишлоғи
- 13.Кўшки Осиёйи Вобканा қишлоғи

Юқорида айтилган ҳудудлардан қўшимча равища ҳужжатда Сайфиддин Бохарзийнинг вақф ерлари билан чегарадош бўлган ўнлаб қишлоқ номлари ва каналлар ҳақида маълумот берилган.

XIV асрнинг географик номлари ҳозирга қадар Бухоро ҳудудида сақланиб қолган.

1893-1896 йил хариталарида Н.Ф.Ситняковскийнинг 29-сонли (Зарафшон водийсининг) "Зарафшон водийсининг Бухоро қисмидаги ариқлар ахоли пунктлари рўйхатида"да бизнинг вақф хатимиизда келтирилган кўпгина қишлоқлар ва суғориш каналлари топилган. Бунинг ёрдамида Бохарзий вақфига кирган деярли барча ерлар ва қишлоқларнинг жойлашишини аниқ аниқлаш мумкин.<sup>1</sup>

XVI аср ҳужжатларида баъзи бир қишлоқлар ва каналларнинг номлари учрайди. Масалан, Шайх Жўйборий, Фатҳобод, Фаришун (Варишун), Ибоди, Дехи Осиё, Ҳавзи Арусон, Ширбудун, Туркмондиза, Хома, Фароқан, Маргзорча, Навҳас, Сомжан, Аҳурбадин, Сафидмун ва бошқалар.<sup>2</sup>

Карши дарвозаси бир ярим километр жануби шарқда Бухорога энг яқин бўлган, ҳужжатда айтилишича, XIII асрда ташкил этилган Фатҳобод деб аталувчи жойда Сайфиддин Бохарзий истиқомат қилган. Бу жойда у дафн қилинган. Фатҳободдан 3 км жанубда, тахминан темир йўл йўналишидан 1км ғарбда Фароқан қишлоғи мавжуд бўлиб, унинг барча ерлари вақф ҳисобига кирган. Фатҳобод ва Фароқан орасидаги жойлашган Маргзорча қишлоғининг худуди ҳам вақф ерларига тегишли бўлган. Фароқан қишлоғининг жануби шарқида Ушмиён қишлоғи (1896 ҳаритада Ошпемун), жанубдан ва шарқдан Қовоқдиза ва Ибоди, Разин ва Қишлоқи Бижўги қишлоқлари жойлашган. Разин қишлоғининг шарқида Ҳавзи Аруzon деган қишлоқ борлиги ва унинг Шоҳруд каналининг чап қисмида жойлашганлиги, Шайх Жўйборнинг ҳужжатларида ва Н.Ф.Ситняковский рўйхатида мавжудлиги тўғрисидаги бу маълумотлар ўзаро мос келади. Жўйборий шайхларининг эълон қилинган ҳужжатларидан кўриниб турибдики, Ҳавзи Арузон қишлоғининг ерлари Фаришун каналидан суғорилган, у Фаришун каналига сув олиб борган ва у вақф таркибиға киритилган, аммо

<sup>1</sup> Н.Ф.Ситняковский.Зарафшон водийсининг Бухоро қисмидаги ариқ ва ахоли пунктлари рўйхати,Россия географик жамияти Туркистон бўлимининг хабарномаси, I жилд , №. II, Тошкент, 1900, 179 - 314 бетлар.

<sup>2</sup> Шайх Жўйборий архивидан. XVI асрда Ўрта Осиёning ер ва савдо алоқалари бўйича материаллар. - М. - Л., 1938, 154 – 163 бетлар ва бошқалар; П.Иванов. Жўйбор шайхларининг иқтисодиёти. XVI - XVII асрларда Ўрта Осиёда феодал ерга эгалик қилиш тарихи ҳақида М.-Л., СССР Фанлар нашриёти, 1954, 163 – 168 бетлар ва бошқалар.

Н.Ф. Ситняковский хариталари рўйхатига киритилмаган. Қовоқдиза қишлоғи ҳам вақф хариталарида мавжуд эмас, аммо харитада вақф ерлари ва унинг атрофидаги қўшни бўлган чегара ҳудудлар қайд этилганлиги сабабли унинг жойлашуви аниқ белгиланади.

Ўрганилган ҳужжатлар бир қатор тарихий географик масалаларни ойдинлаштиришга ёрдам беради ва илгари фақат номи маълум бўлган аҳоли яшайдиган шаҳарчаларнинг манзиллари аниқланади, масалан: Хома, Фарҳондод, Анбардувон, Кафшувон, Зарманоҳ, Сафидмун, Фагитосин ва бошқалар.<sup>1</sup>

Ҳужжатларни ўрганиш жараёнида шу нарса аниқландики, Бухоронинг Қарши дарвозасидан жанубда Сайфиддин Бохарзий вақфи камида 100 км<sup>2</sup> майдонни эгаллаган. 1326-1333 йилларда Вобкентдарё канали бўйларида Қасри Осиё ва Косари қишлоқлари 20 км масофани эгаллаган бўлиб, Коми-Акка канали ҳам жойлашган эди.

Ўрганилган ҳужжатлар шундан далолат берадики, 1326 йилда Бухоронинг атрофида кўплаб харобалар, вайрон қилинган қасрлар, масжидлар ва турар жойлар, қаровсиз ташланган боғлар ва узумзорлар мавжуд бўлган. Деярли ҳар бир қишлоқнинг тасвирланиши шуни кўрсатадики, ҳар бир қишлоқ ўртасида баланд тепалик мавжуд бўлиб, бу тепаликлар устида қадимги иморатларнинг қолдиқлари, эски бинолар яъни саройлар, аҳоли турар жой қолдиқлари дехқонлар ва ҳунармандлар учун мўлжалланган аҳоли пунктларидан иборат. Буларнинг барчаси шубҳасиз, мўғуллар истелоси ва хонлар ва фуқароларнинг ўзаро урушлари натижасида юзага келган вайронагарчиликлар изларидир. Дарҳақиқат, Бухоронинг мўғуллар томонидан вайрон қилиниши охирги марта 1316 йилда амалга оширилган бўлса, бу ҳужжат шундан ўн йил кейин тайёрланган.

Ушмиюн қишлоғига оид ҳужжатда айтилишича, баланд тепаликда жойлашган ер участкалари ҳужжат тузилган вақтда вайрон қилинган эди. "Қадимги даврларда унда турли хил бинолар, жумладан масжидлар, ҳунармандларнинг устахоналари ва яшаш манзиллари мавжуд бўлган, энди эса барчаси харобагага

<sup>1</sup> Бартольд В.В. Сочинение в 9 томах/10 книгах Издательство восточной литературы. Москва, Юрловский пр., I жилд, 1963-1977г Б.168.

айланган". (1-хужжат, 174-қатор). Ҳар бир қишлоқни тасвирлашда қаровсиз қолган ерлар, бузиб ташланган боғлар, узумзорлар, вайрон қилинган қасрлар, масжидлар, тураг жойлар, вайрон қилинган каналлар тўғрисида бир қанча турли туман маълумотлар мавжуд. (394-қатор)

Сайфиддин Боҳарзийга тегишли бўлган кўплаб вақф мулклари мавжуд бўлган. Бу вақфлардан у мадраса, ўқув муассасалари, хонақоҳда илм олувчи ва то хизмат қилувчиларнинг барчаларини озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа харажатларини қоплаб берган. Бундан ташқари вақф мулклари ерлари ҳисобидан зиёратчилар, камбағал аҳолининг эҳтиёжлари учун ҳам ажратилган. Боҳарзий ўз замонида жамиятнинг ижтимоий, маънавий ҳаётида катта рол ўйнаган киши сифатида халқнинг эҳтиромига сазовор бўлган.

## **САЙФИДДИН БОҲАРЗИЙ МАҚБАРАСИ БУХОРОДАГИ МУҚАДДАС ЗИЁРАТГОҲ**

Қадим Бухоро шахрига келган киши ушбу муқаддас заминда қўним топган буюк авлиёлар – пирлар қабрини зиёрат қилиши мақсадга мувофиқ. Неча замонлардан буён бу анъана давом этиб келмоқда.

Бухоронинг ҳар қарич ери, олтинга teng тупроғини муқаддас билиб, қадим ёдгорликларни асраб-авайлаш ва муҳофаза қилиш ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиз эканлигини унутмайлик.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов саъии ҳаракатлари билан кўплаб олломаларимизнинг мақбаралари қайта тикланди. Ҳозирда бундай хайрли ишни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев давом эттиromoқдалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг саъии ҳаракатлари билан биринчи Президентимиз И.А. Каримов қайта тикланган, миллатимиз тарихининг тиник ойнаси ҳисобланган муқаддас масканларни зиёрат қилиш, уларнинг тарихини ўрганиш инсоний бурчимиздир. Шу мақсадда, ўзбек халқи юртимиз ҳудудида мавжуд бўлган муқаддас қадамжоларни зиёрат қилишлари ёш авлодни она юртга бўлган муҳаббатини оширади. Саёҳат

давомида юртимиздаги ўтган буюк аждодларимиз ва улардан қолган маънавий мерос тарихи, ёш авлод тарбиясига бевосита ижобий таъсир кўрсатади. Бухорога “Шарқ гавҳари” мақомини бериб турган тарихий обидаларимиз, Республикамиз биринчи Президенти И.А.Каримовнинг ташаббуслари ва эътиборлари билан қайта тикланганлиги – халқимизга, миллий-этник урф-одатларимиз, анъаналаримизга бўлган катта эътибордир. Зотан, ҳар бир халқ каби бизнинг ўзбек халқимиз ҳам ўз тарихи билан қанча фахрланса арзиди. Қолаверса, Республикамиз биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”. Буюк аждодларимизнинг бизга қолдирган –инсонийлик, маънавият, эзгу фикр ва эзгу амал бирлиги ҳақидаги таълим-тарбия борасида дастури амал бўлиб хизмат қиласидиган ғоялари бекиёсдир. Ҳар бир зиёратчилар айнан шу даргоҳ тарихи ва тариқат ғоялари билан халқни таништириб, бу ғояларнинг таълим-тарбиядаги ўрни ҳақида гапириб беришлари, ёшлар маънан янги куч-қувват ҳамда миллий маънавий меросимиз борасида бир олам таъссуротлар олишларига замин яратади.

Сайфиддин Абул Маъолий Саъид ибн Али Қоидий Бохарзий - улуғ авлиё, буюк тарбиячи, ўз даврининг етук устоди, воиз, тасаввуфнинг машҳур шайхларидан бири, Кубравия тариқатининг намояндасидир. Бухоронинг Шарқий қисми (эски Фатҳобод мавзеи)да икки мақбара — Баёнқулихон мақбараси ва Сайфиддин Бохарзий мақбараси бунёд этилган. Сайфиддин Бохарзий мақбарасининг кичик гўрхонаси (XIII аср иккинчи ярми) ва зиёратхонаси (XIV а. иккинчи ярми) чархи гумбазли, бош тарзидаги пештоқ чукур равоқли, икки ёнига гулдасталар ишланган. Пештоқ ва гулдаста оралиғидаги яssi меҳробий токчаларга туйнуклар қилинган. Пештоқ юқорисида равоқли дарчалар бор. Зиёратхона ва гўрхона ичидаги гумбаз ости бағали 8 ва 16 қиррали муқарнас безаклар билан тўлдирилган. Мақбарага Шайх Сайфиддин Бохарзий, унинг 2 ўғли Жамолиддин Муҳаммад ва Мазҳариддин Мутаҳҳар, Шунингдек, невараси Абу Муфахир Яхё, эваралари Хованд Бурҳониддин, Руҳиддин Шайх Довудлар дағн этилган. Амир Темур Бухорога ташриф буюрганда, Шайх қабрини албатта зиёрат қилган. Унинг фармони билан мақбара обод қилиниб, зиёратхона ва Шарқий

пештоқ қурилган. Шайх қабри устидаги ёғоч сағананинг ясалиш услуби, зарҳал безаклари Амир Темур даври ёғоч ўймакорлиги санъатининг ноёб ёдгорлиги ҳисобланади. Сағанада туғилган ва вафот этган сана, Қуръондан оятлар, шайхни мадҳ этувчи мадҳиялар, ранг-баранг нақшлар ўзаро уйғунлашган.

Бизгача сақланиб қолган Бохарзий мақбараси эса XIV асрнинг иккинчи ярмида, унинг улкан портали анча кейинроқ қурилган. Мақбара ўз шаклининг улканлиги, тузилишининг маҳобати, меъморий ғоясининг аниқлиги билан кишини ўзига жалб килади. Дунёда ҳали бунаقا жозибадор мақбарани учратмадим, - деб ёзади сайёҳ олим Ибн Баттута ўз эсадаликларида.

Ёш тарихчи Шавкат Бобожоновнинг маълумотларига қараганда, мақбарани X асрдаги ёдгорликлар билан таққослаганды мөйморчилигимиз тараққиёти асосида бунёд этилган мураккаб режали мақбара эканлигини кўринади. Зиёратгоҳда дарчалар бўлиб, улардан бинога текис, ёқимли ёруғлик таралиб туради. Мақбара қабртошидаги безаклар, араб ёзувлари ўрта асрларда ёғоч ўймакорлигининг нодир нусхасидир. Зиёратгоҳнинг ўрнашган жойи ҳозирда Фатҳобод, деб аталади.

XIII асрда ҳазратнинг қабри устига қўйилган ёғоч ўймакорлик намунаси саналмиш бебаҳо лавҳа ўғирланган. Шунингдек, нодир ашёлар билан бир қаторда XX аср бошларида шайх Сайфиддин Бохарзийнинг (яъни калла суюги) ҳам рус хукуматининг марказига олиб кетилган.

Собиқ иттифоқ даврида Сайфиддин Бохарзий ҳаёти ва фаолияти, меросини ўрганишга эътибор берилмади. У киши дафн этилган макон қаровсиз ҳолга келиб қолган эди. Устига-устак вақт ҳам мақбарани аямади. Йиллар синоати ўз таъсирини кўрсатиб, деворларнинг шифтлари аста- секин нурай бошлайди. XX асрнинг олтмишинчи йилларида бу ерда бироз таъмирлаш ишлари олиб борилган.

Мустақиллик шарофати билан кўплаб обидаларимиз қайта тикланди. 2007-2009 йилларда ҳам тажрибали усталар томонидан Шайхул Олам хонақоси атрофида ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Таъмирлаш-созлаш ишлари амалга оширилди. Атрофидаги шу пайтгача сақланиб қолган қабрлар Ҳазрати Имом қабристонига кўчирилди. Мақбара ҳудуди катта боғга

айлантирилди. Боғ марказидан ўрин олган мақбаранинг умумий майдони 195 кв.м ни ташкил этади. Ушбу қадимий маскан мутасаддилар назаридан четда қолмади. Мақбарани ўрганиш чоғида бир тош бехосдан қабрнинг ичига думалаб тушиб кетади ва шу орқали қабр зах ва сувда қолганлиги аён бўлади. Қабрларнинг барчасини зах ва намдан муҳофазалаш мақсадида салмоқли ишлар амалга оширилди. Шу ўринда айтиш жоизки, мустақиллик шарофати билан яна бир хайрли иш ўз ижобий самарасини кўрсатди. Шўролар даврида Сайфиддин Бохарзийнинг Санкт-Петербургга олиб кетилган боши, яъни калла суюги келтирилиб, ўз жойига қўйилди,- дейди биз билан сұхбатда масжид имоми Равшан Камолов ҳамда зиёратгоҳ мутаввалиси Соҳиб Сафаров.<sup>1</sup>

Халқ ижодининг нодир асарларидан бўлган мақбарани бухоролик усталар ва Ўзбекистан ёдгорликларни таъмирлаш ва консервациялаш маҳсус илмий-тадқиқот институти олимлари мақбарани сақлаб қолишига киришдилар. Ёдгорликни мустаҳкамлаш ва қайта тиклаш лойиҳаси тузилди.

Мустақиллик кўлга киритилгандан сўнг Сайфиддин Бохарзий таълимотига эътибор қаратилди. Кўхна Бухородаги хилхоналари ва у ерда қурилган хонақоҳ бутунлай қайта қурилиб обод гўшага айлантирилди. Сайфиддин Бохарзий мақбараси қайта таъмирланиб, ёдгорлик атрофида гўзал Фатҳобод боғи бунёд этилди. Айни пайтда ушбу маскандан сайёҳлар ва зиёратчиларнинг қадами узилмайди. Аллома асарлари, тариқат йўли, тасаввуфий қарашлари олимлар томонидан ўрганилмоқда. Кўчалар, майдонларга у зотнинг табарруқ номи қўйилди. Ҳамон кекса донишманд кўрсатган жасорат, у эккан илм-маърифатга муҳаббат уруғи қалбларда яшамоқда.

Бохарзий мақбараси тўғрисида илмий изланиш олиб борган Нина Борисова Немцева - тарих фанлари номзоди Ўрта Осиё меъморчилиги қадимшунослик меъморчилик ёдгорликларининг таникли тадқиқотчи олимдир. У ўзининг «Бухородаги Сайф аддин Бохарзий хонақоси» китобида ёзма ҳужжатлар ва қадимшунослик-меъморчилик тадқиқотлари асосида Бухоро

---

<sup>1</sup> Бобоҷонов.Ш. Бухорони “Бухори шариф” этган аллома. <http://uza.uz/oz/society/bukhoroni-bukhoroi-sharif-etgan-alloma-28-09-2020>.

жанубий-шарқий қисми (ўтмишда Фатҳобод шаҳристони) меъморчилигининг икки ёдгорлиги - машхур дин арбоби, мусулмон Шарқида шайх сўфий (Шайхул Олам) номи билан шуҳрат топган Сайфиддин Боҳарзий (1190-1261) мақбараси ҳамда сўфий ва Шайхул Оламнинг муҳлиси, мўғул хони Буёнқули (1348-1358 йилларда хукмдорлик килган) мақбараси тадқиқ қилинганди.

Юқорида зикр этилган манбада баён қилинишича, ёнма-ён қурилган икки мақбаранинг ўзаро контрастлиги уларнинг ўзига хослик ва ҳажм-тарх ечимида яққол намоён бўлади. Биринчиси учун лўндалиқ, оддийлик ва меъморий ечимнинг ёрқинлиги, йирик, маҳобатли шакл, деворларнинг ғиштдан тикланганлиги хос бўлса, иккинчиси унча катта бўлмаган ҳажм, нафис мутаносиблиқ, ўйма сувкор сополдан қилинганди безак кошиннинг ранг-баранг жимжималари билан ажралиб туради. Ҳар иккала мақбара ҳам илгари йирик, таниқли сўфий жамоаси (XIII-XVII) бўлмиш Фатҳобод хонақоси таркибига кирган. Улар Ўрта Осиёning XIV-XV асрлар бадиий тарихий-маданий мероси сифатида катта илмий қизиқиш уйғотади.

Китобнинг биринчи қисмida монументал меъморчилик ёдгорликлари ва Фатҳобод хонақоси мажмуасини ўрганиш муаммолари қўйилган. Бу меъморий мажмуанинг тарихий - маданий жиҳати кўриб чиқилган, чунки у XIII аср бошидан XVII аср охиригача бўлган даврда фаолият кўрсатган. Бу ва бундан олдинги давр Ўрта Осиё жамиятининг иқтисоди, маънавий ҳаёти ва маданияти ривожланиши сиёсий қарама-қаршиликлар, инқирозлар ва юксалишлар билан тўлиқ эди. Суфизм ва унинг маросимий амалиёти ҳақида тушунча берилган, шунингдек, Ўрта Осиёдаги сўфийлик таълимоти - Хоразмдаги Кубровия, Бухородаги Нақшбандия, Фарғонадаги Қодирия ва Туркистондаги Яссавия тариқатларининг тутган ўрнига ҳам аниқлик киритилган. VIII-X асрдан бошлаб сўфий хонақосининг типологияси, ўзгариш босқичлари, уларнинг тарзу тархи ва меъморчилиги ҳақидаги маълумотлар келтирилган ва қиёс қилинганди. Матнга хонақоҳ деворлари тарихига мос равища нақшлар билан безалган.

Китобнинг «Фатҳободдаги ёдгорлик мажмуи» деб номланган иккинчи қисми Сайфиддин Боҳарзий ва Буёнқулихон

хонақоҳлари меъморчилиги, тузилиши, безаги, Сайфиддин Бохарзий дахмаси ва дағн маросимлари тавсифидан иборат. Муаллифнинг кўрсатишича, Сайфиддин Бохарзийнинг ҳозир мавжуд икки хонали мақбараси XV асрда Амир Темур даврида ёки XV асрнинг биринчи ярмида, яъни темурийлар даврида ўша вақтга келиб анча путурдан кетган шайхнинг қабри ўрнида тикланган бўлиши мумкин. Мақбара кўп асрлар давомида сўфийлар жамоасининг мафкуравий маркази, маънавий асоси, бош зиёратгоҳи бўлиб келган. Бухоро амирлари тахтга ўтириш олдидан сигиниш учун бу ерга ташриф буюрардилар.

Буёнқулихон мақбарасининг ўхшashi йўқ, ноёб умумий меъморий тузилиши Бухорода XV асрда мўғуллардан кейин урф бўлган янги ранг-баранглик бадиий услубининг ягона ёдгорлиги сифатида чуқур қизиқиш уйғотади ва катта илмий қимматга эга. Олиб борилган қадимшунослик қазувлари натижасида Буёнқулихон мақбараси деворлари қад кўтарган ва бутун бино каби кошин қопланган кенг супанинг топилиши ёдгорликнинг азалий ноёб қурилиши, унинг дастлабки мутаносибликлари ҳақида сўз юритишга имкон берган. Натижада, мақбара баландлигига қарийб 1 м қўшилиб, умумий баландлиги 10 м га яқинни ташкил этди. Буёнқулихон мақбараси ичидаги безак ва ёзувли нақшлар батафсил ва тўла ҳажмда ўрганилганда бу ерда Саъдий Шерозий ғазаллари битилганлиги аниқланди.

Китобнинг ички сувратларида мақбараларнинг умумий кўринишлари, ён деворлари, ички безаклар, кошинларнинг ёзувлари, шу жумладан, араб ёзувлари бўлган тахтачаларнинг парчалари, даҳмалар, ёдгорликларда қадимшунослик қазилмаларининг бориши ва топилган сопол идишлар тасвирланган. Фотосуратлар турли йилларда олинган бўлиб, бу айни даврда ёдгорликлар ҳолати ўзгаришини қиёслашга имкон туғдиради. Шу ернинг ўзида ўлчамлар, қирқимлар, қайта қуриш ва ҳоказолар илова қилинган.

Ўрта аср Ўрта Осиё дин муассасаларидан бири сифатида сўфий хонақоҳларининг юзага келиши ва фаолият кўрсатиши муаммоларини ўрганишга асосий манбалардан бири сифатида Ўзбекистоннинг маънавий ва моддий маданиятига қизиқувчи кенг китобхонлар кўплаб маълумот олишларига ёрдам беради.

## **САЙФИДДИН БОХАРЗИЙ ҲИКМАТЛАРИ**

Сайфиддин Бохарзий рубоийлари тасаввуфий мазмунда: уларда ҳақ йўлига даъват қилинади, илоҳий ишқ улуғланади, тасаввуфнинг баъзи талаблари ифодаланади, инсоний камолот масалаларидан баҳс юритилади, ҳижрондаги ошиқ кўнглиниң дарду изтироблари, туйғу-кечинмалари тасвирланади. Бу рубоийлар буюк тасаввуф намояндасининг шоирлик салоҳияти ва маҳорати ҳам баланд бўлганлигидан дарак беради.

### **Рубоийларидан:**

1.Бир дунё гуноҳни мен агар қилганман,  
Ҳеч узмай умид, лутф этишинг билганман.  
Дединг: чорасиз қолсанг агар қўллайман,  
Қўлла мени — бир чора сўраб келганман...

2.Бу элга жафо қачонгача этгайсан?  
Эл кўнглини ҳеч сабабсиз оғритгайсан.  
Халқ аҳли қўлида қонсираган тиғ бор,  
Тегса сенга, бошингга ўзинг етгайсан!

3.Худди қоровул сингари мен бечора  
Ҳар тун эшигинг атрофида овора.  
Маҳшар куни итларинг сафида зора,  
Айтишса менинг номимни ҳам бир бора...

4.Биз — кекса, бироқ чалинса ишқ сози агар,  
Кўнгил қушимиз юксалади кўкка қадар.  
Арқон эшамиз ёрнинг узун соchlаридан,  
Қайтарми деб, ўтган умр бўйнига магар...

5.Мард мардлигини қилмагай асло ошкор,  
Мардлик қилар-у, бирорга этмас изҳор,  
Мард ўқ еса-ю, бўлса вужуди тор-тор,  
Дўстидан ўғирмайди юзини зинҳор.

6.Ишқ олдида чора топа олмас шер ҳам,  
Уммондир у бағрида жавоҳирлар жам.

Гоҳ дўст бўлиб, юзини кўрсатгай у,  
Гоҳ ёв каби қонингни тўкар хотиржам.

7. Ўзимни ўзим ишқида хуррам тутаман,  
Дил тўла ғам-у, мисоли беғам тутаман.  
Сезсам-да ажал шарпасини, кўнглимни  
Ҳеч нарсани билмаган каби жам тутаман.

8. Ҳақ ишқи қуёши нур сочавергайдир,  
Жон дунёни тарқ этиб, сочавергайдир.  
Мард етгуси шундайин мақомга бир кун  
— Дўст унга ҳамиша юз очавергайдир.

*Эргаш ОЧИЛОВ таржимаси*

Сайфиддин Бохарзий рубоийларини таржима қилиб, халқимизга тақдим этиш ва улар устида тадқиқотлар олиб бориб, унинг бадиий ва тасаввуфга оид фикрларини таҳлил қилиш орқали шайхнинг маҳоратларини очиш ўзбек олимлари олдида турган муҳим ва долзарб вазифалардан биридир.

## ШАЙХ САЙФИДДИН БОХАРЗИЙ КАРОМАТИ (баллада)

Бухорода бир-бир от солиб,  
Қанча беку султонлар ўтган.  
Бири мағлуб, бириси ғолиб,  
Дегандайин қоонлар ўтган.  
Барисига гувоҳдир тарих,  
Барисига гувоҳ замонлар.  
Қайд этгандек доно муаррих,  
Жоҳил ўтган мўғулий хонлар.  
Қозонхоннинг номин эшитса,  
Нафас олмай турган куртаклар.  
Жим туришган эшик тиқ этса,  
Бешикдаги ҳатто гўдаклар.  
Аямаган кимки мусулмон,  
Доноларга пеш этган дорни.

Чингизбачча бу қора илон  
Билмаган ҳеч номусу орни.  
Жаҳолатдан зада бўлган зот –  
Шайх Бохарзий - устози комил.  
Золим хонга жўнатибди хат,  
Унга шундай ёзибди дадил:  
"Бу элга жафо қачонгача этгайсен?  
Эл кўнглини ҳеч сабабсиз оғритгайсен.  
Халқ аҳли қўлида қонсираган тиф бор,  
Тегса сенга, бошингга ўзинг етгайсен.  
Қизарибди, бўзарибди хон,  
Тутақибди номани ўқиб.  
"Ўлдираман!" дея Шайх томон  
От солибди қиличин тақиб.  
Шайхул Олам эса ўшал пайт,  
Бир олмани отиб ҳавога,  
Ўқибдилар сирли бир оят,  
Таъбирини солиб худога...  
Кўп ўтмайин етди шум хабар:  
Эмишки бир серҳиммат дехқон  
Пешвоз чиқиб, хонга бир сават  
Олма этмоқ бўлибди инъом.  
Шунда қўрққан от устидан хон  
Қулаб тушиб, бўйни синибди.  
Чора топмай, ютганча забон,  
Ҳаёт шаъми мангур сўнибди...  
Мурод шулки бу ҳангомадин,  
Баланд келса гоҳ зулмат қули.  
Мадад келгай албат Аллоҳдин,  
Тўсилмасин дея ҳақ йўли.  
Тағин: шуур аҳлин ризқини  
Сундирмоққа кимки қилса аҳд.  
Унинг бир кун синади бўйни,  
Қозонхондай бўлади бадбаҳт...

**Тошпўлат Аҳмад, 1996 йил.**

"Эй Худойим, қиёмат кунида менинг танамни шунчалик улкан айлаки, то дўзахда бошқаларга жой қолмасин". Сайфиддин

Бохарзийнинг ушбу маънодаги рубойиси ҳам улуғ устозларнинг жавонмардлик тўғрисидаги фикрларига ўхшайди. "Дунёда ҳар қанча ишқ ғами бўлса, барчасини мен тортай — мендан кейин бани башар бу ғамнинг нималигини ҳам билмасин".

Маълум бўладики, Сайфиддин Бохарзий нафақат машҳур тасаввуф олими, комил авлиё, балки салоҳияти баланд, ҳассос шоир ҳам эди.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Абдураҳмон Жомий Нафаҳат ал-унс. Осор: Иборат аз 8 жилд. Душанбе: “Адиб”, 1990. С.7-130.
2. Абул Фазл Рашидиддин Майбуди. Кашф ал- асрор ва иддат ал- аброр. Нашрга тайёрловчи Али Асғар Ҳикмат. З-нашр Т. I. Техрон: 1357.
3. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Муқаммал асарлар тўплами. 17-том. Т.: “Фан”, 2001.
4. Аҳмад бин Муҳаммад бин Зайд Туйй “Тафсири сурайи Юсуф ас-ситтин алжамили латаиф ал-басатин”. Нашрга тайёрловчи Муҳаммад Равшан. Техрон: 1356.
5. Аҳмад Ғаззолий. Баҳр ал-муҳаббат фи асрор ал-маваддат. Бомбей: 1876.
6. Аҳмад Ғаззолий. Мажолис. Нашрга тайёрлаган Аҳмад Мужоҳид. Техрон: 1376.
7. Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорий. “Муъин ал-Фуқаро”. Тарихи Муллозода (Бухоро мозорлари зикри). Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2009.
8. Бартольд В.В. Сочинение в 9 томах/10 книгах Издательство восточной литературы. Москва: 1963-1977.
9. Жувайнин. Тарихи жаҳонкушой. таҳр. Абдулваҳҳоб Қазвини. III. Л: 1937.
10. Жузжоний А. Тасаввуф ва инсон. Тошкент: Адолат, 2001.
11. Имом Абу Абдуллоҳ Шамсиддин Муҳаммад ибн Усмон Заҳабий. Машҳур даҳолар сийрати (Сияру аъламин нубало) Т.: “Ҳилол”, 2015.
12. Ирож Афшор. *Аврад ал –аҳбоб ва фусус ал-адаб* Мажалла-йи данишкада-йи адабиёт-и данишгоҳи. Техрон: Нашри Дебоя, 4/8 (1340).
13. Ирожа Афшор. Абул Мағоҳир Яҳё Боҳарзий. *Аврад ал –аҳбоб ва фусус ал-адаб*. Т. II. Техрон: Интишорат-и донишгоҳи Техрон, 1345.
14. Ислом энциклопедияси. Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2017.
15. Каримов Э. Кубравийский вакф XVII-XIX вв. - Ташкент: Фан, 2008.

16. Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм: краткая история/А.Д.Кныш; пер.с анг. М.Г. Романов.-СПб.: «Издательство» «ДИЛЯ», 2004.
17. Koprulu Zade Fu'ad. Saif al-din al-Bakharzi. The Encyclopaedia of Islam. IV. Leyden — London: 1934.
18. Нажмиддин Комилов. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. Тошкент: “Ёзувчи”, 1996.
19. Садриддин Салим Бухорий. Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари. Бухоро: “Дурдона”, 2012.
20. Тримингэм Дж.С.Суфийские ордены в исламе. Пер.санgl. А.А.Ставиской под редакцией и с предисл. О.Ф.Акимушкина. М.: Наука.Главная редакция восточной литературы, 1989.
21. Хисматулин А. «Ходжагон» // Ислам на территории бывшей Российской империи: Энциклопедический словарь / Сост. и отв. ред. С. М. Прозоров. Вып. 3. Москва: Восточная литература, 2001.
22. Ҳабиб Яғмайи. Ду рисолаи ирфони дар ишқ.Техрон: 1343.
23. Чехович. О. Д. Новый источник по истории Бухары начала XIV в., журн. “Проблемы востоковедения”, М., 1959.
24. Шайх Нажмиддин Кубро. Жамолинг менга бас. Т: F.Гулом нашриёти, 1994 й.
25. Шиммель А. Мир исламского мистицизма. Москва: Энигма, 2000.

## **МУНДАРИЖА**

|   |    |
|---|----|
| Кириш .....   | 4  |
| Сайфиддин Бохарзийнинг ҳаёт йўли .....                                    | 8  |
| Алишер Навоий Сайфиддин Бохарзий ҳақида .....                             | 14 |
| Сайфиддин Бохарзийнинг маънавий мероси .....                              | 16 |
| Сайфиддин Бохарзийнинг қарашларида тасаввуф ва комил инсон тушунчаси..... | 18 |
| Сайфиддин Бохарзийнинг тасаввуфий дунёқарашида тафсир илми.....           | 22 |
| Шайхул оламнинг маънавий меросида ирфоний-фалсафий масалалар .....        | 29 |
| Бохарзий ва унинг вақф ерлари.....  | 33 |
| Сайфиддин Бохарзий мақбарами бухододаги муқаддас зиёратгоҳ.....           | 43 |
| Сайфиддин Бохарзий ҳикматлари.....  | 49 |
| Шайх Сайфиддин Бохарзий каромати .....                                    | 50 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....                                     | 53 |

**Малика Файзуллоевна Норова**

**САЙФИДДИН БОХАРЗИЙ**

*Muharrir:*

*G'.Murodov*

*Texnik muharrir:*

*G.Samieva*

*Musahhih:*

*A.Qalandarov*

*Sahifalovchi:*

*M.Ortiqova*

Nashriyot litsenziyasi AI № 178. 08.12.2010. Original – maketdan bosishga ruxsat etildi: 26.10.2020. Bichimi 60x84. Kegli 16 shponli. «Times New Roman» garn. Ofset bosma usulida bosildi. Ofset bosma qog’ozi. Bosma tobog’i 3,5. Adadi 100. Buyurtma №179.

“Sadiddin Salim Buxoriy” MChJ  
“Durdon” nashriyoti: Buxoro shahri M.Iqbol ko’chasi 11-uy.  
Bahosi kelishilgan narxda.

“Sadiddin Salim Buxoriy” MChJ bosmaxonasida chop etildi.  
Buxoro shahri M.Iqbol ko’chasi 11-uy. Tel.: 0(365) 221-26-45.